

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК (МАМЛАКАТЛАР ВА
МИНТАҚАЛАР БЎЙИЧА)
ЙЎНАЛИШИ**

**«ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ»
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Исмаилова Н.С. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси мудири, доцент, иқтисодиёт фанлари номзоди
Хасанов Т.А. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Тақризчи: Зокирова С.А. – ЖИДУ, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил _____даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	12
III. Назарий материаллар.....	18
IV. Амалий машғулот материаллари.....	50
V. Кейслар банки.....	55
VI. Мустақил таълим мавзулари	57
VII. Глоссарий.....	59
VIII. Адабиётлар рўйхати	72

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз чиқишларида ва қарорларига айнан шу масалага катта эътибор қаратмоқдалар: “Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан, илғор хорижий тажрибалардан беҳабар қолмоқдалар.”¹

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг

¹ Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 26.09.2017 йил.

касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модулининг **мақсади** жаҳон иқтисодиётига оид назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш, жаҳон иқтисодиётидаги муаммоларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади.

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модулининг **вазифалари**:

• “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

• замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

• педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

• махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

• “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жаҳон мамлакатларининг гуруҳларга таснифланиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифлари, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари ва замонавий хусусиятлари жаҳон хўжалигининг глобал муаммолари жаҳон иқтисодиёти Ўзбекистоннинг ўрни борасида **билимларига эга бўлиши;**

Тингловчи:

- иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги истиқболларини баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти иқтисодий муносабатлари соҳасига оид илмий семинарларни ўтказиш ва маслаҳатларни бериш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида ХМИнинг предмети ва уни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, хорижий мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисмлари сифатидаги ўрни, мамлакатларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, хорижий мамлакатларни гуруҳлаш мезонлари каби йўналишларда назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз миллий иқтисодиётидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти	4	4	2	2		
2.	Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифи	4	4	2	2		
3.	Катта еттиликка аъзо мамлакатлар иқтисодиёти (АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония)	10	8	2	4	2	2
4	“Тўрт осиё аждарҳоси” мамлакатлари иқтисодиёти	6	6	2	2	2	
5	Хитой иқтисодиёти	8	6	2	4		2
	Жами:	32	28	10	14	4	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти (2 соат)

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалар, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалари, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истиқболлари, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари.

2-мавзу. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифи (2 соат)

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни, жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси, халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари, бозор иқтисодиётидаги саноати ривожланган мамлакатлар ривожланиш хусусиятлари, мамлакатларнинг ан'анавий таснифи: ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланмаган мамлакатлар.

3-мавзу. Катта еттиликка аъзо мамлакатлар иқтисодиёти (АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония) (2 соат)

АҚШ иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари. Канада иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари. Германия Федератив Республикаси иқтисодиётининг замонавий ҳолати. Буюк Британия иқтисодиёти ва унинг Европа Иттифоқида тутган ўрни. Франция иқтисодиётини ривожланиш ҳолати. Италия иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари. Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни.

4-мавзу. “Тўрт осие аждарҳоси” мамлакатлари иқтисодиёти (2 соат)

Гонконг иқтисодиёти, Гонконг иқтисодиётида лаисес фаир – яъни давлатнинг иқтисодиётга деярли аралашмаслиги қандай роли, Корея Республикаси иқтисодиёти, Жанубий Корея иқтисодиётининг ривожланишига жаҳон ва минтақавий инқирозларнинг таъсири. Сингапур иқтисодиёти, Жанубий Шарқий Осие ҳудуди ривожланишида Сингапур давлатининг иқтисодий аҳамияти. Тайван иқтисодиёти, Тайван иқтисодиётида саноат ривожланишининг асосий сабаблари. Сингапур иқтисодиётида фонд биржаларнинг ўрни.

5-мавзу. Хитой иқтисодиёти (2 соат)

Хитой Республикасига умумий тавсиф. Хитойнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллар, мамлакатнинг ривожланишида “Хитой модел”ининг аҳамияти ва Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Жаҳон иқтисодиётида Хитойнинг эгаллаган позицияси. Хитой иқтисодиётининг ривожланишида тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти (2 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари;
2. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалар;
3. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истиқболлари.

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, молиявий марказлашув, ахборотлар, глобал бозор, очиқ иқтисодиёт.

2-амалий машғулот.

Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифи (2 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси.
3. Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари.

Калит сўзлар: ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланмаган мамлакатлар, ўтиш даври мамлакатлари.

3-амалий машғулот.

Катта еттиликка аъзо мамлакатлар иқтисодиёти (АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония) (4 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. АҚШ иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Канада иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Германия Федератив Республикаси иқтисодиётининг замонавий ҳолати.
4. Буюк Британия иқтисодиёти ва унинг Европа Иттифоқида тутган ўрни.
5. Франция иқтисодиётини ривожланиш ҳолати.
6. Италия иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари.
7. Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни.

Калит сўзлар: АҚШ иқтисодиёти, Канада иқтисодиёти. Германия иқтисодиёти. Буюк Британия иқтисодиёти. Франция иқтисодиёти. Италия иқтисодиёти. Япония иқтисодиёти.

4-амалий машғулот.

“Тўрт осий аждарҳоси” мамлакатлари иқтисодиёти (2 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Гонконг иқтисодиёти, Гонконг иқтисодиётида лаисес фаир – яъни давлатнинг иқтисодиётга деярли аралашмаслиги қандай роли.
2. Корея Республикаси иқтисодиёти, Жанубий Корея иқтисодиётининг ривожланишига жаҳон ва минтақавий инқирозларнинг таъсири.
3. Сингапур иқтисодиёти, Жанубий Шарқий Осиё худуди ривожланишида Сингапур давлатининг иқтисодий аҳамияти.
4. Тайван иқтисодиёти, Тайван иқтисодиётида саноат ривожланишининг асосий сабаблари.

Калит сўзлар: Гонконг иқтисодиёти, Корея Республикаси иқтисодиёти, Сингапур иқтисодиёти, Тайван иқтисодиёти.

5-амалий машғулот. Хитой иқтисодиёти (4 соат)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Хитой Республикасига умумий тавсиф.
2. Хитойнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллар, мамлакатнинг ривожланишида “Хитой модел”ининг аҳамияти.
3. Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Жаҳон иқтисодиётида Хитойнинг эгаллаган позицияси. Хитой иқтисодиётининг ривожланишида тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни.

Калит сўзлар: Хитой иқтисодиёти, иқтисодий интеграция, хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий ҳудудлар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- **давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- **бахс ва мунозаралар** (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва кўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутди. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса,

ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тақдимот тайёрлаш	1,0	Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл
2.	Кейс топшириғини бажариш	1,5	Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл
	Жами	2,5	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаш, балки уни

тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар




Кластер
(Кластер – тутам, боғлаш)

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



Тоифали жадвал

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).


- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин.

Ишнинг натижавий тақдими

Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш

мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўллари топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти

Режа:

1. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари;

2. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалар;

3. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истиқболлари.

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, молиявий марказлашув, ахборотлар, глобал бозор, очик иқтисодиёт.

1. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади талабаларда хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш тарихи, бугунги ҳолати ва келгусидаги ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги билимларни шакллантириш, хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш даражасини баҳолашда таҳлилий ёндашув кўникмаларини ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда уларни муайям гуруҳлар бўйича таснифлаш билимларининг ошириш, шунингдек Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларни баҳолаш билимларини ривожлантиришдан иборат бўлади.

Фаннинг мақсадига эришишни таъминлаш учун қуйидаги вазифалар бажарилади:

- фаннинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини ўрганиш;
- хорижий мамлакатларни уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб таснифлаш турларининг ўрганиш;
- хорижий мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция муаммоларини ўрганиш;
- хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг минтақалар ва интеграцион бирлашмалар бўйича ривожланиш муаммоларини ўрганиш;
- хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қиладиган глобал муаммоларни ўрганиш;
- юқоридаги муаммоларни қиёсий таҳлилдан ва иқтисодий таҳлилнинг бошқа шаклларида фойдаланиш орқали ўрганиш;
- фанда ўрганиладиган муаммолар юзасидан баҳс-мунозараларни олиб бориш, шунингдек зиддиятли вазиятлардан чиқиш ечимини топиш

малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- талабалар ўз фикрларини ёзма шаклда аниқ ва мазмунли баён қилишга ўрганишлари учун уларда эссе ёзиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- жамоавий ишлаш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш.

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фани қуйидаги иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқликда ўқилади: “Ахборот – коммуникация технологиялари ва тизимлари”, “Иқтисодчилар учун математика”, “Иқтисодий назария”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” ва бошқалар. Талабалар “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанини ўзлаштириш баробарида ушбу фанларни ҳам пухта ўзлаштиришлари керак бўлади. Чунки, ушбу фанлар “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун кўмаклашадиган билимларни шакллантириш имконини беради.

Фан бўйича ўтказиладиган дарс машғулотларида қуйидаги педагогик технологиялардан фойдаланилади: кейс – стадилар, брейнсторминг, гуруҳли баҳс – мунозаралар, гуруҳли презентациялар, эссе, ма’рузалар.

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фани жуда қизиқарли фан бўлиб, бугунги кунда кўпчиликни қизиқтираётган хорижий мамлакатларнинг иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган кўплаб саволларга ечим топади. Талаба ушбу фанни пухта ўзлаштириши учун ўз устида кўпроқ ишлаши керак бўлиб, у нафақат ўзбек тили, балки рус тили ва чет тиллари, айниқса инглиз тилидаги манбалардан ҳам кенг миқёсда фойдаланиши керак. Шунини алоҳида та’кидлашимиз жоизки, ушбу фанни пухта ўзлаштириш талабадан 5231100 – “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) бакалаврият та’лим йўналиши бўйича жуда зарур билимларга эга бўлиш имконини беради.

2. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалар

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда фан олдида турган бундай вазифалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хорижий мамлакатларнинг жойларда “халқ қабулхоналари” ни жорий этишнинг молиявий асослари бўйича тажрибасини ўрганиш;

- аҳолига талаб катта бўлган давлат хизматларини “ягона дарча” тамойили бўйича бир муассаса орқали кўрсатиш, давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ўрнини кенгайтириш, шунингдек “Электрон ҳукумат” тизимини самарали ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатларнинг

тажрибасини ўрганиш;

- аҳолининг молиявий-иқтисодий саводхонлигини ошириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролини камайтириш, давлат бошқарув идоралари ваколатларини оптималлаштиришга қаратилган ма'мурий ислохотларни ишлаб чиқиш, давлат хизматчиларининг моддий ва махсус та'минотини такомиллаштириш, профессионал мутахассислар тайёрлаш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- мамлакат иқтисодиёти тараққиётини та'минлаш ҳамда иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш ишларини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- ҳудудларда тижорий банкларнинг фаол иштироки билан янги иш жойлари ташкил қилиш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендиялар миқдорини кўпайтириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- хорижий мамлакатларнинг муҳандис-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси соҳаларини янгилаш ва ривожлантириш бўйича тажрибасини ўрганиш;

- хорижий мамлакатларнинг таълим тизими, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини комплекс ривожлантириш бўйича тажрибасини ўрганиш.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдига қўйилган устувор вазифалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин :

- давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий та'миноти даражасини ошириш, ҳамда иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- хорижий мамлакатларнинг “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифати ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича тажрибасини ўрганиш;

- хорижий мамлакатларнинг макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суратларини сақлаб қолиш бўйича тажрибасини ўрганиш;

- хорижий мамлакатларнинг таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг этакчи тармоқларини модернизация ва

диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тажрибасини ўрганиш бўйича тажрибасини ўрганиш;

- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;

- аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш.

3. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истиқболлари

Хўжалик жамиятининг барча жабҳаларида интеграция ва глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бир даврда хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, уларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлардаги асосий ривожланиш тенденция ва йўналишларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш хусусияти ўзгариб бораётган бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар ривожланмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлар, айниқса, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш, шунингдек бозор иқтисодиётининг ривожланишидаги ютуқ – камчиликлари, ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги тўғри ёндашувлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган Республикамиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишда тажриба сифатидаги аҳамияти каттадир.

Саноат ишлаб чиқаришда янги турдаги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши аҳолининг ҳаёти ва ижтимоий эҳтиёжини қаноатлантириш билан бирга кўшни давлатлар бозорига рақобатбардош истемол талабларини қаноатлантирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини берди. Шу ўринда Ўзбекистонда замонавий ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган технологияларни жалб қилишга ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига кенг йўл беришга қаратилган этибор ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон амалга ошираётган ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқада бўлишидир. Шунга кўра давлатимиз валюта-кредит муносабатларини, яни чет эл сармояларини халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига жалб қилиш, хўжалик корхоналарини биргаликда кўриш ва савдо-сотик ишларини амалга оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик шарофати ила иқтисодий-ижтимоий ва манавий ҳаётимизда ўзига хос миллий мазмун касб этувчи. аждодларимиз асрий орзуси сифатида ўз фурсатини кутиб келаётган туб ўзгаришлар даврининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу ўринда барча ўзгаришлар асоси иқтисодий ислохотлар айниқса сезиларли бўлаётганлигини такидлаб ўтиш зарурдир. Республикада ташқи фаолият, авваламбор ташқи иқтисодий алоқаларнинг йўналишлари, товар айирбошлаш, сармоялар ҳажмини кўпайтириш ҳамда валюта операцияларини чуқурлаштириш йўлида дастлабки йилларданок муваффақиятли иш олиб борилганлигининг гувоҳимиз.

Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни ва амалга оширилаётган ислохотлар самарасини жаҳоннинг ривожланган давлатлари юқори баҳоламоқда, Бунинг боиси, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсатнинг тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳомийси эканлиги, ўзининг қулай географик ўрнига, ноёб ва бой хом ашё манбаларининг кўплиги, мавжуд

қазилмаларни ўзлаштириш имкониятларининг қулайлиги билан асосланганлигидир. Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги йилларида жаҳон ҳам жамиятига қўшилиш жараёнини фаол давом эттирди. Республика ташқи иқтисодий фаолиятининг стратегик манфаатларини таминловчи, дунёнинг кўпчилик регионларидаги давлатлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга қаратилгани ҳолда жаҳон хўжалигининг географик “Моделли” ва халқаро географик меҳнат тақсимотининг кўп йиллик тажрибаларида синалган қонуниятлари асосида ўз ташқи иқтисодий муносабатларини шакллантирмоқда.

Бугунги кунда жаҳон хўжалиги алоқалари шундай даражага этдики, кейинги йилларда қиталараро товарлар экспорти ва импортида мамлакатлар фаоллиги бир неча ҳиссага ортиб кетди ва шу ўринда давлатларнинг иқтисодий географик ўрни ривожланиш ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим омилига айланиб қолди.

Унинг муҳим жиҳатлари биринчидан давлатларнинг географик жойлашуви; иккинчидан, табиий шароити ва ресурслари; учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, хўжалигининг тузилиши, меҳнат ресурслари, тарихий аналари ва бошқа хусусиятлари билан боғланган бўлиб алоҳида ҳудудлар дирасида бир-биридан фарқ қилади. Бу ўринда мамлакатдаги мавжуд тармоқлар ўзидаги мавжуд ресурслар, имкониятлари, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва жаҳон андозалари талабларини этиборга олган ҳолда, ҳамкор танлаши мамлакатлар ўртасидаги муаммоларнинг бетараф этиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Назорат саволлар:

1. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари;
2. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалар;

3. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истиқболлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.

2. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.

3. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.

4. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.

5. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

2-мавзу. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифи

Режа:

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни.

2. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси.

3. Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари.

Таянч иборалар: ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланмаган мамлакатлар, ўтиш даври мамлакатлари.

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни

Турли мамлакатлар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг турли – туманлиги иқтисодий ривожланиш даражасинин қандайдир битта нуктаи-назардан келиб чиққан ҳолда баҳолашга имкон бермайди. Бунинг учун қуйидаги бир қанча асосий кўрсаткичлар ва мезонлардан фойдаланилади: мутлақ ва нисбий ЯИМ (ЯММ); миллий даромад ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад; миллий иқтисодиётнинг тармоқли структураси; мамлакат экспорти ва импорти структураси; аҳоли турмуш даражаси ва сифати ва бошқалар. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг жаҳон хўжалигидаги иштироки – бу тарихий тушунчадир. Миллий иқтисодиёт ва бутун жаҳон хўжалиги ривожланишининг ҳар бир босқичи асосий кўрсаткичлар таркибига бу ёки у ўзгартиришларни киритади.

Мамлакатнинг жаҳоб хўжалигида эгаллаган ўрнини аниқлаш учун бир қанча ёндашувлар мавжуд бўлади. Улар орасида энг оддийси бўлиб жаҳо

иқтисодиётини аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражасига қараб мамлакатлар гуруҳларига бўлишдир. Бундай ёндашув БМТ, ХВФ, ХТТБ томонидан амалга оширилади (мамлакатлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган мутлақ даромад кўрсаткичлари ҳар йили ҳисоблаб борилади). Масалан, ХТТБ даромад даражасига қараб мамлакатларни уч гуруҳга бўлади.

Жаҳон хўжалигида мамлакатларни таснифлаш ва уларнинг жаҳон такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ролени баҳолаш учун бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд.

Бугунги кунда жаҳонда юқорида айтиб ўтилган ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларнинг ўхшашлиги билан характерланадиган бир қанча давлатлар гуруҳлари мавжуд.

Дунё ўз ижтимоий-иқтисодий табиатига кўра ниҳоят даражада хилма-хилдир. Бугунги кунда мамлакатларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. бозор иқтисодиётидаги саноати ривожланган мамлакатлар – бу мамлакатлар жаҳон хўжалигининг таянчи ҳисобланади;

2. Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океаниянинг ривожланаётган мамлакатлари (ёки учинчи дунё мамлакатлари);

3. ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар – булар асосан янги хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш йўлида бўлган Шарқий Европа давлатлари, шунингдек Россиядан иборат бўлади.

Бироқ ушбу мамлакатлар гуруҳлари ўртасида ниҳоят даражада аниқ чегарани белгилаш имконсиздир. Масалан, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларнинг бутун бир гуруҳини – Жанубий – шарқий Осиё мамлакатлари, хусусан Жанубий Корея, Гонгконг ва Тайван, Бразилия ва Аргентина, шунингдек бошқа мамлакатларни бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар бўйича жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари қаторига киритиш мантиқлидир. Бироқ улар бошқа муҳим кўрсаткичлар даражаси бўйича (ижтимоий қарама-қаршилиқларнинг чуқурлиги, минтақавий ривожланишнинг нотекислиги ва бошқалар) ҳали ҳам анъанавий тарзда ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига киради.

Бир пайтнинг ўзида шунҳасиз ривожланган мамлакатлар қандайдир маънода миллий ишлаб чиқариш кучларини сифат жиҳатидан ривожлантириш борасида кечикишаётган бўлиб, бу ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишини тўхтатмоқда. Масалан, Шарқий Европа мамлакатлари ва Россияда бу кўрсаткич Ғарбий Европа мамлакатлари ривожланишининг атиги 50% ини ташкил қилади холос.

2. Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари

Маълумки, жаҳон иқтисодиёти мураккаб минтақавий тузилмага эгаллиги билан ажралиб туради. Аналитик мақсадларда халқаро ташкилотлар жаҳондаги барча мамлакатларни учта гуруҳга бўлишади:

- бозор иқтисодиётидаги ривожланган мамлакатлар;

- ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар ёки шаклланаётган бозорга эга мамлакатлар;

- ривожланаётган мамлакатлар.

Бозор иқтисодиётидаги ривожланган мамлакатлар жаҳон бозорида ва халқаро меҳнат тақсимоотида етакчи рол ўйнайди.

Ривожланган мамлакатлар жумласига Ғарбий Европанинг деярли барча мамлакатлари, АҚШ, Канада, Япония, Исроил, ЖАР, Австралия ва Янги Зеландияни қабилар қиради. Ушбу мамлакатларнинг барчаси юқори даражадаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эгаллиги билан характерланади.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар ўз ичига Шарқий Европа, Россия, Албания, Хитой, Ветнам, собиқ Иттифоқ мамлакатлари, Монголия қабиларни олади.

Ривожланаётган мамлакатларга Осиё, Африка, Океания, Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатлари, Малта ва собиқ Югославия мамлакатлари тегишли бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар ЯИМ нинг умумий даражаси ривожланган мамлакатлар ЯИМ нинг тўртдан бир қисмини ташкил қилади.

Юқорида келтирилган мамлакатлар таснифидан ташқари ХВФ мамлакатларни қуйидагича гуруҳлайди:

- минтақавий гуруҳлар бўйича (Африка, Марказий ва Шарқий Европа, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари, Ўрта Шарқ, Ғарбий яримшар);

- аналитик гуруҳлар, шу жумладан экспорт тушумлари манбалари (ёқилғИ, ноёқилғИ, бирламчи қайта ишлов берадиган маҳсулотлар) бўйича;

- ташқи молиялаштириш манбалари бўйича (нетто – қарздор мамлакатлар).

Умуман олганда турли хил халқаро ташкилотлар мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра турли гуруҳлаш усулларига эга бўлади.

3. Мамлакатларнинг анъанавий таснифи: ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланмаган мамлакатлар

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар-жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Ушбу гуруҳга 30 дан ортиқ мамлакатлар қиради ва баъзан шу мамлакатлар “саноати тараққий этган” мамлакатлар деб аталади.

Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлар хос бўлган асосий хусусиятлардан бири- даромадларнинг аҳоли қатламлари ўртасида нисбатан теқис тақсимланиши ва мамлакатлар иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигидир. Хусусан: аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш; илм-фанни ривожлантиришга катта миқдорда маблағ сарфлаш(ЯИМнинг 2-3%); илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга

сарфланиши; тиббиёт, таълим, маданият соҳаларига сарфланаётган юқорилиги(ЯИМнинг 3-4%).

XX-XXI асрлар бошида жаҳон хўжалигида ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, бундай гуруҳга кирувчи давлатлар асосан Европа қит'аси ва Шимолий Америка материгида жойлашгандир. Маълумки, ривожланган «катта еттилик» давлатлар (ҳозирги кунда ушбу давлатлар гуруҳига Россия Федерациясини қўшилиши билан «катта саккизлик» давлатлар деган сўзлар ҳам жаҳон иқтисодиётида ишлатилмоқда)иқтисодиётини ривожланиши асосан табиий ресурслардан қандай фойдаланишлик даражасига ва Шунингдек узок йилларга мўлжалланган замонавий илмий-техникавий тараққиётдаги ўзгаришларга боғлиқдир.

Жаҳон хўжалиги ривожланишида етакчи саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ, ГФР, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада,Италия) иқтисодиёти муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу мамлакатлар улушига ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларнинг 79-80%и ва дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларнинг 59-60%и, товарлар экспортининг 60-61%и ва хизмат кўрсатиш соҳаларнинг 49- 50%и тўғри келмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар. Бугун капитал оқимида уларнинг улуши 30 фоизни ташкил эца, 20 йилдан сўнг бу кўрсаткич 50 фоизга етади. 15-20 йилдан сўнг дунёда сармоя қилинган ҳар бир долларнинг 60 сенти ривожланаётган мамлакатларга киритилади. Бу жуда катта ўзгариш. XX-асрнинг 60-йилларидан бошлаб то XXI-аср бошигача сармоя сифатида киритилган ҳар бир доллардан атиги 20 сенти ривожланаётган мамлакатларга тўғри келган.

Келажакда ривожланаётган мамлакатлар инфратузилма ва хизматлар, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига катта маблағ ажратишга қодир бўлади. Саводхонлик ошиши билан фуқароларнинг пул топиш имкониятлари ҳам кенгайди, бу камбағалликни камайтиришга ёрдам беради.

Ривожланмаган мамлакатларга Африкада 33, Осиёда 10, Америка қит'асида 1 ва Океанияда 5 мамлакат киради. Мисол учун Африкада Эфиопия ва Бурунди; Осиёда Афғонистон ва Бангладеш; Океанияда эса Кирибати ва Само кабилар киради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги ҳисоботида қайд этилишича, ривожланмаган мамлакатлар иқтисодиёти замонавийлашмас экан, қашшоқликни енгиш қийин.

БМТ ҳисоботида ёзилишича, жаҳондаги энг ривожланмангл 49 мамлакат глобал иқтисодий таназзул гирдоби остида қолмаслик учун кўлдан келган барча чораларни кўрган, лекин тушкунликдан бутунлай қутула олмаяпти.

Бу жамиятлар қашшоқликни енгиш йўлида чет элдан сармоя оқимини ошириб, тизимни ислоҳ қилиб, сердаромад соҳаларни кенгайтирган ҳолда, хизмат кўрсатиш секторини ҳам яхшилаши зарур. Ривожланмаган мамлакатларда иқтисодиёт жуда чекланган бўлади.

Бугунги кунда ривожланманган мамлакатларда савдо-тижорат ёмон эмас, аммо экспорт нефт ва газ ёки арзон товарлардан иборат. Улар фақат буларга қарам бўлиб қолмасликлари керак эканлиги кўплаб халқаро ҳисоботларда келтириб ўтилади.

Бугунги кунда Осиёда ривожланмаган давлатлар иқтисодиётда янги секторлар очиб, хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар таклиф этиш эвазига қаддини ростлай бошлаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашув кўплаб жамиятларда инновация ва ривожланишга олиб келган бўлса, айрим ривожланмаган давлатларда бунинг акси сезилмоқда.

Назорат саволлари

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси.
3. Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. О. П. Тимошенко, Е. А. Павленко, О. А. Силич. Внешнеэкономическая деятельность предприятия: учебное пособие. - Новосибирск: Сибстрин, 2008.
2. С. П. Мальцев, М. В. Соловьева. Внешнеэкономическая деятельность: учебное пособие. — М.: Изд-во МГОУ, 2010. — 213 с.
3. Нигматуллина Р. А. Внешнеэкономическая деятельность в сфере услуг: учебное пособие по специальности 100103.65 «Социально – культурный сервис и туризм». – Уфа: УГУЭС, 2013. – 80 с.

3-мавзу. Катта еттиликка аъзо мамлакатлар иқтисодиёти (АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония)

Режа:

1. АҚШ иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Канада иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Германия Федератив Республикаси иқтисодиётининг замонавий ҳолати.
4. Буюк Британия иқтисодиёти ва унинг Европа Иттифоқида тутган ўрни.
5. Франция иқтисодиётини ривожланиш ҳолати.
6. Италия иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари.
7. Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни.

Таянч иборалар: АҚШ иқтисодиёти, Канада иқтисодиёти. Германия иқтисодиёти. Буюк Британия иқтисодиёти. Франция иқтисодиёти. Италия иқтисодиёти. Япония иқтисодиёти.

1. АҚШ иқтисодиёти

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ, ингл. Унитед Статес оф Америса) - Шимолий Америкадаги мамлакаТайван Пойтахти - Вашингтон шаҳри, БМТ аъзоси. Америка Қўшма Штатлари Шарқдан Атлантика, ғарбдан Тинч океани, жануби-шарқдан Мексика қўлтиғи билан ўралган. Маъмурий жиҳатдан 50 штат ва Колумбия федерал округига бўлинади. Аляска ва Гавайи штатлари мамлакат асосий худудидан ташқарида жойлашган. Пуерто-Рико Ҳамдўстлиги, Шимолий Мариана ороллари Ҳамдўстлиги, Гуам, Виргиния ороллари, Шарқий Самоа ҳам АҚШга қарашли. Майдони 9373000 км², аҳолиси 320,519 млн. киши (10.06.2017). Ялпи ички маҳсулот ҳажми 18,1 трлн.АҚШ долларини ташкил этади (2016). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 55 000 АҚШ долларида тўғри келади.

АҚШ - дунёда иқтисодий жиҳатдан энг юксак даражада ривожланган мамлакаТайван Ялпи миллий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми, товар ва капитал экспорт қилиш, ишлаб чиқаришнинг тўпланиш ва марказлашуви, илмий тадқиқотларга сарф-харажат бўйича 1-ўринда туради. Бутун дунёдаги саноат ишлаб чиқаришнинг учдан бир қисми АҚШ улушига тўғри келади. Халқаро бошқарув тараққиёти институти ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра, 1994-96 йилларда иқтисодий ривожланиш нуктаи назаридан етакчи давлатлар ўртасида ҳам АҚШ биринчи ўринда турибди.

АҚШ миллий даромадининг 66,3 % саноатда ҳосил қилинади. Саноат ишлаб чиқаришнинг ярмига яқини саноат корпорациялари қўлида. Авиаракета-космик, энергомашинасозлик, электрон, шунингдек нефт кимёси, атом ва энергетика саноати ғоят тез суратлар билан тараққий этмоқда. Электр энергиянинг 74 % иссиқлик электр стансияларида, 12,1 % ГЕСларда, 14,1 % АЕСларда ҳосил қилинади. Нефт (Мексика қўлтиғи соҳилидаги Галф, Калифорния, Аляска), табиий газ ва олтингугурт (Галф), кумир (Аппалачи ва Марказий ҳавзалар), темир руда (Юкори кўл атрофи), фосфорит (Флорида), уран, рангли металллар, калий тузлари қазиб олинади. Қора металлургиянинг асосий марказлари - Чикаго, Питцбург, Детройт, Кливленд, Буффало, Балтимор, Филадельфия. Алюминий саноати Галф атрофида ҳамда Колумбия ва Теннесси дарёлари ҳавзаларида жойлашган. Саноатнинг етакчи тармоғи - машинасозлик ва металлсозлик. Саноат ва энергетика асбоб-ускуналари, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш асосан шимолий-шарқий штатларда, электротехника ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш шимолий-шарқий ва Калифорнияда ё'лга қўйилган. Автомобилсозликнинг бош маркази Детройт шаҳри самолётлар, ракета ва космик техника ишлаб чиқарувчи заводлар асосан Лос-Анжелес, Сан-Диего, Бостон, Нью-Йорк, Филадельфия, Балтимор, Буффало, Даллас, Атланта ва бошқа шаҳарларда жойлашган. Кемасозлик (асосан ҳарбий кемасозлик) АҚШ шимолий-шарқий соҳили портларида ривожланган. Кимё саноати химикатлар, пластмассалар, кимёвий тола, синтетик каучук, локлар, кир ювиш воситалари, бўёқлар,

маъданли ўғитлар ишлаб чиқаради. Мазкур тармоқ корхоналари асосан шимолий-шарқий штатларда, Мексика кўлтиғи соҳилидаги шаҳарларда жойлашган. Ҳарбий саноат асосан Калифорния, Нью-Ёрк, Техас, Коннектикут, Миссури, Массачусет, Виргиния штатларида. Енгил саноат тармоқларидан энг салмоқлиси тўқимачилик ва тикувчилик ҳисобланади. Чарм-поябзал саноати яхши ривожланган. Озиқ-овқат саноати ўз хом ашёси билан яхши таъминланган. Унинг етакчи тармоқлари - гўшт, сут, ун, ёғ, қанд-шакар, консерва, алкогольли, алкогольсиз ичимликлар, тамаки.

АҚШ миллий даромадининг 8 % дан кўпроғи қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинади. Йирик фермалар етакчи рол ўйнайди. Умуман қишлоқ хўжалиги сермахсул ва сертовар бўлиб, муайян ҳудудлар айрим маҳсулот турларига ихтисослашган ва марказлашган. Мамлакатда 2 млн.га яқин фермер хўжалиги бор, бир фермер хўжалиги ўрта ҳисобда 190 га ерда деҳқончилик қилади. Меҳнатга яроқди аҳолининг 2,5 % қишлоқ хўжалигида банд. АҚШда асосан маккажўхори, соя, пахта, тамаки, шоли, картошка, кунгабоқар, қанд лавлаги, шакарқамиш ва бошқа экилади. Буғдойзорлар („буғдой минтақаси“) Буюк текисликлар ва Колумбия платосида (асосан Канзас ва Шимолий Дакота штатлари), маккажўхори („маккажўхори минтақаси“) Буюк кўлларнинг жануб ва ғарбида (Аёва, Иллинойс штатлари) устунлик қилади, пахтазорлар фақат Миссисипи дарёси водийси ҳамда Техас, Аризона ва Калифорния штатларида учрайди. Қанд лавлаги, шакарқамиш Миссисипи дарёси этакларида ва Гавайи оролларида, тамаки Шим. Каролина, Виргиния ва Кентукки штатларида етиштирилади. Боғдорчилик ва полизчилик Калифорния, Флоридада, Атлантика океани ва Буюк кўллар соҳилларида кўпроқ. Кенг чўллар ва „маккажўхори минтақаси“ штатларида гўштбоп чорвачилик, шим.шарқда ва Калифорнияда сут чорвачилиги ривожланган. Миннесота ва Висконсин штатларида сутнинг кўп қисми қайта ишланиб, пишлоқ ва сарийёғ ишлаб чиқарилади. Қўйчилик асосан қурғоқчил тоғли штатларда ривожланган. Гўштбоп жўжа (бройлер), товук, курка етиштиришга катта аҳамият берилади. Тухум кўпроқ жанубий-шарқий штатлардаги йирик паррандачилик фабрикаларида етиштирилади.

Дунёнинг турли мамлакатларига бевосита маблағ сарфлаш кўпайиб бормоқда. Экспортда ҳам, импортда ҳам тайёр маҳсулот устун. АҚШдан саноат ва энергетика машина-ускуналари, транспорт воситалари, кимё товарлари, тўқимачилик ва қоғоз маҳсулотлари, кўмир, озиқ-овқат ва ембоп дон, соя, пахта, тамаки ва бошқа маҳсулотлар чиқарилади; нефт ва нефт маҳсулотлари, руда ва металл, саноат машина-ускуналари, узоқ муддат фойдаланиладиган рўзғор анжомлари, кийим-кечак, поябзал, ёғоч, қоғоз, балиқ, гўшт, қанд-шакар, кофе ва бошқа келтирилади. Савдо-сотикдаги асосий мижозлари - Канада, Япония, Мексика, Ғарбий Европа мамлакатлари.

2. Канада иқтисодиёти

Канада - юксак тараққий этган индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 22%, қ.х. улуши 2,2%.

Аҳоли жон бошига минерал хом ашё ва ярим фабрикатлар и.ч. жиҳатдан Канада тараққий этган кўпгина мамлакатлардан устунлик қилади. Никел, рух, кумуш, молибден рудалари, асбест, олтин, платина, ниобий, табиий газ, олтингурт қазиб чиқаришда, газетабоп қоғоз, алюминий, селлюлоза, тилинган бинокорлик ёғочлари и.ч.да дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Канадада кўмир, нефт, темир рудаси, волфрам, уран (металл таркибидаги руда), калийли тузлар, олтингурт қам қазиб чиқарилади. Йилига ўртача 490,8 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Торонто, Ванкувер ва Онтарио атрофида бир канча йирик иссиқлик электр стансия ва АЭС бор. Асосий ГЭСлари Квебек, Онтарио ва Британия Колумбияси вилоятларида. Ишлаб чиқарувчи саноат да озиқ-овқат ва тамаки саноати, қора ва рангли металлургия ҳамда металл ишлаш, транспорт машинасозлиги ва б. тармоқлар етакчи ўринда.

Машинасозлик ишлаб чиқарувчи саноат маҳсулоти қийматининг 1/2 қисмини беради. Унинг асосий тармоғи - транспорт машинасозлиги (автомобил, кема, авиация, вагон ва локомотивсо зли к). Бошқа саноат тармоқларидан қ.х. машинасозлиги, нефт ва газ саноати, кон, ўрмон ва селлюлоза-қоғоз саноати учун ускуналар и.ч. кор-хоналари яхши ривожланган. Машинасозликнинг асосий марказлари: Торонто, Монреал, Уинсор, Гамилтон ва б. Қора металлургия Гамилтон, Су-Сент-Мари, Уелленд ва Сидни ш.ларида, алюминий, рангли металллар и.ч. Арвид, Китимат, Норанд, Садбери, Томпсон, Трайлда тўпланган. Нефтни қайта ишлаш з-длари Монреал ва Сарнида жойлашган. Кимёвий ўғитлар, синтетик каучук ва пластмасса и.ч. ривожланган. Асосий марказлари: Сарния, Монреал, Торонто, НиагараФоле ва Китченер. Ун тортиш, гўшт, балиқ-консерва ва ликёр-арақ и.ч. озиқовқат саноатининг асосий тармоқлари бўлиб, улар муҳим экспорт аҳамиятига эга. Енгил саноат тармоқларидан тўқимачилик, кўн-поябзал ва тикувчилик нисбатан яхши ривожланган. Маҳсулотнинг ярми Монреалда ишлаб чиқарилади. Тилинган тахта, газетабоп қоғоз, картон и.ч. марказлари: Британия Колумбияси ва Квебек вилоятлари. Кишлоқ хўжалиги сермахсул, фермалари механизациялашган ва ихтисослашган. К-хга яроқли ерларнинг У4 қисмига яқини йирик хўжаликларга бирлашган. 70 млн. гектар ер фермалар б-н банд. Дехқончилик устун. Ғалла (буғдой, арпа, сули, маккажўхори), техника экинлари (қанд лавлаги, соя, зиғир, тамаки), ўт ва ем-хашак, саб-завот, картошка, рапс етиштирилади. Фермаларнинг 9/ю қисми электрлаштирилган. Дон хўжалиги ривожланган асосий жойлар: дашт вилоятлари, ай-никса, Саскачеван ва Манитоба. Етиштирилган буғдойнинг 1/2 қисмидан зиёдроғи, арпа ҳосилининг 1/3 қисми четга чиқарилади. Сут чорвачилиги Онтарио, Квебек ва Британия Колумбияси вилоятларида ривожланган. Чорвачилигида қорамол, чўчка, қўй ва от боқилади. Қ.х. маҳсулотининг 60% га яқинини чорвачилик етиштириб беради.

Ўрмон хўжалиги Британия Колумбияси, Квебек ва Онтариода яхши ривожланган. Жаҳонда тайёрланадиган ёғочнинг катта қисми Канадага тўғри келади. Балиқчилик, ҳайвонотчилик, паррандачилик, мўйначилик ривожланган.

94,3 минг км темир ё'л ва 850 минг км автомобил йўли бор. Дарё ва денгиз транспорти, шунингдек, Буюк кўллар, Лаврентий дарёсидаги сув йўллари муҳим аҳамиятга эга. Асосий портлари: Ванкувер, Сет-Ил, Монреал, Тандер-Бей. Автотранспортининг аҳамияти (айниқса, шим.да) жуда катта. Асосий аэропортлари Монреал, Торонто, Ванкувер, Виннипег ва Оттавада.

Канада четга автомобил, қоғоз, буғдой, ёғочтахта, целлюлоза, никел, алюминий, нефт ва нефт маҳсулотлари, темир рудаси, мис, асбест, уран, калийли тузлар, табиий газ, мис, саноат жиҳозлари ва б. чиқаради. Четдан машина ва саноат ускуналари ва моллари, кўмир, кофе, каучук, банан ва какао сотиб олади. Савдосотиқдаги асосий мижозлари: АКШ, Япония, Буюк Британия, Нидерландия.

1989-йилда Канада б-н АКШ ўртасида эркин савдо ҳақидаги битим кучга кириши ва 1992-йилда Шим. Америка эркин савдо минтақаси тўғрисидаги уч томонлама (АКШ-Канада -Мексика) битим имзоланиши б-н Канада иқтисодиётининг Америка иқтисодиёти б-н бирлашуви ва унинг Шим. Америка ягона иқтисодий макони таркибий қисмига айланиш жараёни тезлашди. Пул бирлиги - Канада доллари.

3. Германия Федератив Республикаси иқтисодиёти

Германия Федератив Республикаси- Марказий Европадаги давлат Тайван Шимолий Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашади. Майдони 357 минг км². Аҳолиси 81,322 миллион киши (10.06.2017). Пойтахти - Берлин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (штат) га, ерлар округларга, округлар туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади.

Германия юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат Тайван Умумий иқтисодий қудратига кўра дунёда учинчи ўринда, жаҳон савдосида иккинчи ўринда туради. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 3413,5 трлн.АКШ долларини ташкил этади (2016). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 46 000 АКШ долларидан тўғри келади. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ва қурилишнинг улуши 33,6 % ни, қишлоқ хўжалигининг улуши 1,2 % ни ташкил этади. Мамлакатда қўнғир кўмир (дунёда биринчи ўрин), тошкўмир, нефт, табиий газ, полиметалл рудалар, калий ва оштузи қазиб олинади. Энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кемасозлик, кимё ва нефт кимёси, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноати, чиннисозлик ғоят ривожланган. Германия саноати асосан ўрта корхоналардан ибора Тайван Саноатда банд бўлган барча ходимларнинг 32 % дан кўпроғи (2,2 млн. киши) йирик фирмаларда ишлайди. „Сименс“ консерни, „Фолксваген“, БМВ ва „Даймлер Бенс“ каби автомобилсозлик фирмалари, „Хёхст“, „Баер“ ва БАСФ каби кимё консернлари, „Рурколе АГ“ кўмир қазилар фирмаси, „ФЕБА“ ва „РВЕ“ электр техника консерни ёки „Босч“ гуруҳи бутун дунёга машхур бўлиб, дунёнинг ҳамма

жойларида филиаллари, корхоналари ёки тадқиқот муассасалари бор. Йирик фирмалар кўпдан-кўп майда ва ўрта корхоналарнинг буюртмачиси ҳисобланади. Бу муваффақиятларда бошқариладиган иқтисодиётдан 1948-йилда бозор хўжалигига ўтилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди. Транспорт воситалари ишлаб чиқариш, машинасозлик, кимё саноати, электр техника, озиқ-овқат, металлургия, кончилик, аниқ механика ва оптика, авиация ва космик саноати асосий тармоқлардир. Техника тараққиёти соҳасида Германия саноати дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Германия иқтисодиёти юксак технологиялардан фойдаланиш туфайли фармацевтика маҳсулотлари, энг янги органик кимёвий моддалар ва сунъий материаллар, тиббиёт электроникаси, оптика ва ўлчов асбоблари ишлаб чиқаришда, янги автомобиллар яратиш ва машинасозликда, телекоммуникация, атроф муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари соҳасида дунёда етакчи ўринда.

Германияда қишлоқ хўжалигига яроқли 36 млн. га ер бор. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари: буғдой, арпа, қанд лавлаги, картошка, шунингдек узум, мева, сабзавот ва бошқалар. Чорвачиликда мол гўшти, чўчка гўшти, товуқ гўшти ва сут етиштирилади.

Германия худудининг қарийб учдан бир қисми (10,7 млн.га) ўрмон билан қопланган. Мамлакатда ҳар йили салкам 30-40 млн. куб метр ёғоч тайёрланади, бу ҳажм ички эҳтиёжнинг учдан икки қисмини қоплайди. Германия ёғоч экспорт қиладиган энг йирик давлатлардан биридир. Шимолий ва Болтиқ денгизларида, Гренландия ороли атрофларида балиқ овланади.

Германия дунёдаги ташқи савдо айланмаси ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Германия четга асосан автомобиллар, станоклар, машиналар, кимё маҳсулотлари ва электр техника буюмлари чиқаради. Четдан хом ашё, электр техника ва тўқимачилик маҳсулотлари олади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: Франция, Италия, Буюк Британия, Нидерландлар, Белгия, АҚШ, Россия, Люксембург.

4. Буюк Британия иқтисодиёти

Буюк Британия экспортининг 90 % ни саноат таъминлайди. 2-жаҳон урушидан кейин саноат тузилмасида катта ўзгаришлар содир бўлди: кончилик, қора металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек кемасозлик ва автомобилсозлик каби тармоқлар улуши камайди; энергетика, электр машинасозлиги ва кимё саноатининг улуши ошди. Атом, электрон, аерокосмик, нефтни қайта ишлаш ва нефт кимёси тармоқдари катта аҳамият касб этди. Машинасозлик - саноатнинг муҳим тармоғи, автомобил, самолёт, ракета, кемалар, саноат ишхоналари учун комплекс асбобукуналар, илмий аппаратлар ва асбоблар, радио электроника ва электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш айниқса ажралиб туради. Тракторсозлик, станоксозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё (пластмасса ва синтетик смолалар, дори-дармонлар, маъданли ўғит, бўёқлар, кимёвий толалар, синтетик каучук, сульфат кислота ишлаб чиқариш), тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ривожланган. Енгил саноатнинг поябзал

тикиш, тикувчилик ва бошқа тармоқлари бўйича йирик ишхоналар мавжуд. Машинасозлик марказларининг кўпчилиги Жан. ва Марказий Англияда жойлашган, уларнинг энг муҳимлари - Лондон, Бирмингем, Ковентри, Лутон, Шеффилд шаҳарларида. Кора металлургиянинг асосий марказлари - Жан. Уелс, Ёркшир ва Ҳамберсайд, Шим. Англия ва Шотландияда. Рангли металлургия ишхоналари - Мидленд, Жан. Уелс, Тайнсайд ва Лондонда. Атом саноати ишхоналари Шим.

Ғарбий Англия ва Лондон атрофида жойлашган. Кимё саноати ишхоналари Катта Лондон, Ланкашир, Чешир, Шим. денгиз ва Бристол қўлтиғи сохилларида, тўқимачилик саноати ишхоналари Ланкашир ва Ёркширда. Шим. денгизда катта нефт ва газ захиралари мавжуд. Б. Б.да йилига ўртача 48,2 млн. тонна тошкўмир, 121,8 млн. тонна нефт, 89,8 млрд. м³ табиий газ қазиб олинади, 304,5 млрд. кВтоат электр энергияси (асосан иссиқлик электр стансияларида) ҳосил қилинади, 17,5 млн. тонна пўлат ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигида мамлакатдаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 2 % гина банд. Б. Б. қишлоқ хўжалиги интенсивлик, маҳсулдорлик ва механизациялашувнинг юксак даражаси билан ажралиб туради. У мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг 75 %ини таъминлайди.

Бирлашган Қироллик нинг асосий тармоғи - чорвачилик. Б. Б.да 12 млн. қорамол, 7,5 млн. чўчқа, 41,5 млн. қўй, 131 млн. парранда бор. Дехқончиликда асосий экин - ғалла. Қанд лавлаги, картошка ҳам экилади. Сабзавотчилик, боғдорчилик, гулчилик ривожланган. Шим. денгиз ва Атлантика океанида балиқ овланади.

Британия иқтисодиёти 2007-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозидан сўнг илк маротаба энг тез сур`атларда пасайиб бормоқда. Бунга мамлакатнинг Брехит бўйича ўтказган референдуми натижалари сабаб бўлаяпти. Референдумдан сўнг, иқтисодий ҳолатни кузатиш бўйича олинган ма`лумотлар шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги пасайиш рекорд даражани ташкил этган, ишлаб чиқариш 2013 йил февралидан бери энг паст кўрсаткичга етган.

2016 йилнинг учинчи чорагида Б.Б. ЯИМ 0,4 фоизга пасаяди. Чунки, Британия ишлаб чиқариш умумий индекси июн ойида 52,3 пунктга, июлда 47,4 пунктга қулаган. Бу эса, кузатувларнинг сўнгги 87 ойидаги энг паст рақамлардир. Ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичи айна даврда 52,1 пунктдан 49,1 пунктгача пасайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасига оид рақам 88 ойдаги энг паст кўрсаткичга етиб, июнда 52,3 пунктни, июлда 47,4 пунктни ташкил этган.

5. Франция иқтисодиёти

Франция - юксак даражада ривожланган индустриалаграр мамлакат. Жаҳондаги энг ривожланган етти давлатдан бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 24,9%, қишлоқ хўжалиги, ўрмон, балиқ хўжалигининг улуши 2,7%., хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 72,4% ни ташкил этади.

Франция саноат ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Япония ва Германиядан сўнг дунёда 4ўринни эгаллайди. Асосий ишлаб чиқариш тармоқлари: аерокосмик саноати, машинасозлик (авиасозлик, кемасозлик), электрон техника, радиоэлектроника, қора ва рангли металлургия, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари, тўқимачилик, тикувчилик, нефтни қайта ишлаш, нефт кимёси кабилар. Францияда темир рудаси (асосан, Лотарингияда), уран рудаси (ЛаКрузий, Л'Екарпер ва бошқа конлар), боксит (Вар ва Эро департаментларида) ва алюминий рудалари қазиб олинади. Лотарингия кумир қазиб чиқаришнинг анъанавий маркази ҳисобланади. Кейинги даврда мамлакат маркази ва жан.да кумир қазиб олиш бирмунча камайди. Никел, калий тузлари, гипс, волфрам ва олтингугурт, барий, каолин, асбест, плавик шпат, оз миқдорда кўрғошин, пйх ва кумуш қазиб чиқарилади. Ф.нинг жан.ғарбий худуди, Ландесда нефт ва газ захиралари мавжуд. Металлургия к-тларида пўлат (ЛеКрёзо, СентЕтен), алюминий (Гарданн, Салендр, Ногер), мис (ЛеПале), кўрғошин ва рух (НуаелГодо, Лион, Виве), никел (Гавр), кобалт, волфрам ва бошқа эритилади. Курилиш материаллари, жумладан, кум, шағал, тош бутун Ф. худудида қазиб олинади. "Рено" ва "Пежо" компаниялари автомобил ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардир. Автомобил саноати марказлари Париж, Монбеляр, Лионда жойлашган. Авиациякосмос тармоқлари (ҳарбий ва фуқаро самолётлари, вертолёт, двигателлар, ракета ва космик техника)нинг асосий марказлари - Париж, Тулуза, Бордо. Кемасозлик ривожланган (Нант, Дюнкерк, Марсел). Локомотив ва вагонлар, станок, трактор, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа ишлаб чиқарилади. Франция компаниялари муодофаа, транспорт машинасозлиги ва бошқа тармоқларда ўзининг энг янги технологиялари билан машхур. Йилига ўртача 475,6 млрд. кВтоат электр энергия (шундан 3/4 қисми атом электр стяларида) ҳосил қилинади. Атом саноатининг асосий марказлари - ЛеБуше, Перлат, Маркул. Нефт ва нефт кимёси саноати пластмасса, синтетик каучук ва смола, кимёвий тола, ҳарбий кимё маҳсулотлари, минерал ўғит, доридармон, упаелик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради (Париж, Лион, Гавр ва Марсел). Енгил саноатнинг асосий тармоғи - тўқимачилик бўлиб, Париж, Лилл, Армантер, РубеТуркуен, Мюлуз, Эпинал, Труада йирик ип газлама, жун, зигир, жут, трикотаж корхоналари мавжуд. Тўқимачилик ва галантерея, поябзал, озик-овқат саноати ривожланган. Коньяк, вино, ликёр, шампан винолари дунёда ном чиқарган.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар мамлакат ҳудудининг 35,6% ни ташкил қилади, шундан 40% яйлов ва пичанзор. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи (маҳсулот қийматининг 55%). Қорамол, кўй, чўчқа, парранда боқилади. Асосий қишлоқ хўжалиги экини бўлган буғдой Шим. Франсия пасттекислигида экилади. Арпа ва маккажўхори катта аҳамиятга эга. Марказий Ф. массивининг унумсиз ерларида жавдар, Рона делтасида шоли етиштирилади. Техника экинларидан қанд лавлаги, зигир, хмел ва тамаки муҳим ўрин олади.

Бордо департаменти ҳамда Рона, Сона, Гаронна, Дордони ва Луара дарё водийларида тоқзорлар катта майдонни эгаллайди. Сабзавотчилик,

боғдорчилик, гулчилик ривожланган. Ўрмонларда ёгоч тайёрланади. Атлантика океани ва Ўрта денгизда балиқ овланади.

Транспорт ё'ли узунлиги 42000 км. Соатига 300 км ё'л босадиган тез юрар поезд Париж ва Ф.нинг бошқа шаҳарларини Англия, Белгия, Нидерландия, Германия билан боғлайди. Ички юкларнинг аксар қисми автомобилда ташилади. Автомобил ё'ллари уз. 812,7 минг км. Париж, Лондон, Марсел, Ницца, Страсбург ва Тулузада йирик аэропортлар бор. Сена, Рейн дарёларида, Сена-Севр, Марна-Рейн каналларида кема қатнаиди. Денгиз савдо флотининг тоннажи 4981 минг т дедвейт. Йирик денгиз портлари: Марсел, Гавр, Дюнкерк, Руан, Нант, СенНазер, Бордо. Ички сув ё'ллари уз. 8,6 минг км. Нефт ва бошқа суюқ маҳсулотларнинг бир қисми қувурлар орқали ташилади.

Франция четга электрон ва махсус машина, ускуналар, самолёт, темир ва пўлат, офис машиналари, дон маҳсулотларини қайта ишлаш воситалари, алкогольли ичимликлар, газлама, пишлоқ, гўшт, сут, кийимкечак, поябзал, упаелик ва ҳ.к.ларни чиқаради. Четдан ёнилғи, саноат хом ашёлари, транспорт жиҳозлари, машиналар, истеъмол моллари келтирилади. Ташқи савдода Европа Иттифоқи мамлакатлари: Белгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия, Испания, шунингдек, АҚШ ва Япония билан ҳамкорлик қилади. Францияда халқаро туризм ривожланган: йилига 50 млн. киши келибқетади. Пул бирлиги - франк.

6. Италия иқтисодиёти

Италия - юксак ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Дунёда энг ривожланган 10 давлатнинг бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 31,6%, қ.х. улуши 2,9%, хизмат кўрсатиш соқаси 65,5% (1997). Италияда 12 млн.дан зиёд аҳоли хизмат кўрсатиш соқасида, 6,5 млн. киши саноатда, 1,5 млн. киши қ.х.да банд.

Саноатида оғир саноат устун. Жумладан, машинасозлик, металлургия, автомобилсозлик, тўқимачилик, электроэнергетика, нефтни қайта ишлаш, нефт кимёси ривожланган. Саноат маҳсулотининг анчагина қисми экспорт қилинади. И.да хом ашё ва энергетика захиралари кам, борлари ҳам нотекис жойлашган. Нефт ва газ (асосан, Падан текислиги, По дарёси этаклари, Адриатика денгизи соҳилига яқин жойлар ва Сицилия о.да), кўрғо-шин, рух (асосан, Сардиния о.да), темир рудалари (Аостада ва Сардиния о.да), боксит, киновар (симоб рудаси), пирит (Тоскана вилоятида), ол-тингугурт, туз (Сицилия о.да), қўнғир кўмир, бинокорлик материаллари ва б. қазиб олинади. Иссиклик электр стансиялари электр энергетиканинг асосини ташкил этади. Атом электр стаялари ва геотермал стансиялар қурилган. Йилига ўртача 222 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. Металлургия саноати, асосан, четдан келтирилган хом ашё асосида ишлайди. Қора метал-лургиянинг энг йирик корхоналари Генуя, Неапол атрофида, шунингдек, Помбино ва Тарантода; рангли металлургия корхоналари Венеция, Болса-но, Мори, Милан ш.лари ва

Сардиния о.да жойлашган. Нефтни қайта ишлаш корхоналари (четдан келтирилган хом ашё асосида), асосан, денгиз соҳилидаги жойлар (Генуя, Неапол, Венеция, Специя, Аугуста)да ва нефт маҳсулотлари энг кўп ишлатиладиган шаҳарлар (Милан ва б.)да. Саноатнинг етакчи соҳаси бўлган машинасозлик тармоклари: автомобилсозлик (Турин), кемасозлик (Генуя, Ливорно, Неапол, Венеция, Триест), станоксозлик (Милан, Брешна, Турин), приборсозлик (Ивреа), электротехника (Милан, Варесе, Бергамо, Турин, Генуя) ва электрон (Милан атрофи) саноати ривожланган. Нефт кимёси, пластмасса, маъданли ўғит, сунъий тола, фармацевтика ва резина маҳсулотлари, синтетик каучук и.ч. юқори даражага етган. Ломбардия ва Пемонт - анъанавий тўқимачилик марказлари. Озиқ-овқат саноатининг асосий тармоклари - ун, макарон, пишлок, қанд-шакар, кон-серва, зайтун ёғи, узум виноси (йилига 70 млн. гектолитр) и.ч.дир. Енгил саноат, хусусан, поябзал и.ч. ривож топган. Ҳунармандчиликка айниқса катта эътибор берилади.

Қишлоқ хўжал и ги нинг етакчи тармоклари - дехқончилик (58%) ва чорвачилик (42%). Унумдор ерларнинг 34,3% (19,6 млн. гектар) ҳайдалиб, экин экилади, 11% боғ, токзор ва зай-тунзор, 19,2% майсазор ва яйлов. Асосий дон экинлари - буғдой, макка-жўхори, сули, арпа, шоли. Қанд лав-лаги, узум, зайтун, ситрус мевалар ва сабзавот ҳам етиштирилади. Вино и.ч. ҳажми жиҳатидан И. дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. И. йилига 6 млн. тоннага яқин турли хил хўл мева беради, унинг салкам 60% мамлакат шим.даги ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилади. Жан. вилоятларда бодом, ёнғоқ, фундукзорлар кўп. Узум ҳосили йилига 10 млн. тонна (унинг 90% қайта ишланиб, вино қилинади), ситрус мевалар ҳрсили йилига 3,3 млн. тонна, помидор ҳосили 5,5 млн. тонна. Чорвачилиқса қорамол (8,8 млн. бош), чўчқа (9,6 млн. бош) ва қўй (12,2 млн. бош) боқилади. Мамлакат шим.да сут ва гўшт чорвачилиги устун. Балиқчилик яхши ривожланган.

Йўловчиларнинг 90% дан кўпроғи, юкларнинг 80% дан ортиғи автомобил транспортида ташилади. Автомобил ё' ллари уз. -304 минг км, т.й. уз. - 19,6 минг км. Четга юбориладиган ва четдан олинадиган юкларнинг аксарияти денгиз транспорти орқали ташилади (экспорт кжларининг 60-65%, импорт юкларининг 80-90%). Асосий денгиз портлари: Генуя, Триест, Венеция, Неапол.

Италия - халқаро сайёҳликнинг энг катта марказларидан бири (йилига 50 млн.дан кўпроқ сайёҳ келиб кетади).

Италия иқтисодиёти кўп жиҳатдан ташқи савдога боғлиқ. Италия четга саноат машина-ускуналари, транспорт воситалари, ёзув ва ҳисоб машиналари, кимё ва қ.х. маҳсулотлари, кийим-кечак ва поябзал, нефт маҳсулотлари ва б. чиқаради. Четдан нефт, кўмир, темир рудаси, қора ва рангли металлар, пахта, шунингдек, машиналар, ёғоч, қоғоз, озиқ-овқат келтиради. Савдо-сотикдаги асосий миждозлари: Европа иқтисодий ҳамжа-мияти мамлакатлари, АҚШ, Россия. Пул бирлиги - лира.

7. Япония иқтисодиёти

Япония - Шарқий Осиёда, Тинч океандаги ороларда жойлашган давлат. Тайван Япония ҳудудида 6,8 мингга яқин орол бўлиб, шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга қарийб 9.13 минг км га чўзилган; энг йирик ороллари: Хоккайдо, Хоншу, Секоку ва Кюшу. Шимолдан Охота денгизи, шарқ ва жан.шарқдан Тинч океан, ғарбдан Япон ва Шарқий Хитой денгизлари билан ўралган. Майдони 377,8 минг км². Аҳолиси 126 319 478 киши (2017). Пойтахти - Токио шаҳри Япония маъмурий жиҳатдан 47 префектурага бўлинади.

Япония - иқтисодий қудрати бўйича жаҳонда АҚШдан кейинги ўринда турадиган юксак даражада ривожланган индустриалагарар мамлакат. Тайван Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Улкан корхоналар билан бирга майда корхоналар ҳам мавжуд (айниқса, енгил ва озиқ-овқат саноатида). Япония иқтисодиёти четдан келтириладиган хом ашё ва ёқилғига асосланган. Япония жаҳон бозорига саноатнинг фанга асосланган мураккаб тармоқлари маҳсулотлари, замонавий конструкцион материаллар етказиб берувчи мамлакат. Тайван Япония жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 13% дан ортигини ишлаб чиқариш билан бирга, йирик халқаро иқтисодий, савдо ва молия ташкилотлари ҳамда "саккизлик" давлатларида етакчи мавқега эга. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 38%, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқ овлашники 2%, хизмат кўрсатиш тармоғиники 60% ни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулоти 4,21 триллион АҚШ доллариға тенг (2016). Аҳоли жон бошиға ҳисоблаганда 32 485 АҚШ доллариға тенг.

Саноатида иқтисодий фаол аҳолининг 25% банд. Энергетика, металлургия, автомобилсозлик, кемасозлик, кимё, нефт кимёси, қурилиш материаллари саноати каби таянч тармоқлар четдан олинадиган хом ашё ҳамда технологиянинг энг янги ютуқлари асосида деярли бутунлай янгидан барпо этилди. Энергетика саноати ҳам асосан, четдан келтирилган нефтға асосланган. Йилиға ўртача 1,097 триллион кВтсоат электр энергия ҳосил қилинади; унинг 706,4 млрд. кВтсоати иссиқлик электр ст-яларида, 91,8 млрд. кВтсоати ГЭСларда, 295 млрд. кВтсоати атом электр ст-ялариға тўғри келади. Япония саноатида қора ва рангли металлургия ривожланган. Кон саноатида кўмир, газ, темир ва мис рудаси, пирит, рух, кўрғошинрух, марганец, кумуш, олтин, симоб, каолин, талк ва ҳ.к. қазиб олинади. Машинасозлик ва кимё саноати юксак тараққий этган. Автомобиллар, маиший техника, электрон асбоблар, алоқа воситалари, кема, пўлат, семент, пластмасса, синтетик тола, робот ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, биотехнология мамлакат иқтисодий тараққиётининг устувор тармоқларидандир. Япония саноати 4 асосий минтақа: Кейхин (Токио, Канагава), Чукё (Айчи, Мие), Ханшин (Осака, Хюго), Кита Кюшу (Фукуока)ға бўлинган. Мазкур р-нларда жамаи саноат маҳсулотининг 40% дан ортиғи ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирида бўлиб, у юқори даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган. Иқтисодий фаол аҳолининг 4,2% қишлоқ хўжалигида банд. Худудининг 12,9% ёки 4,8 млн. гектарида деҳқончилик қилинади. Шунингдек, картошка, сабзавот, оз миқдорда буғдой ва дуккакли дон экинлари экилади. Мевачилик, боғдорчилик, чорбоғ хўжалиги ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, парранда боқилади; пиллачилик ва балиқчилик ривожланган.

Япония четга машина ва ускуналар, металл буюмлар, электроника, кимё маҳсулотлари, электр асбоблар чиқаради; четдан саноат хом ашёси, минерал ёқилғи, озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотлари олади. Япониянинг импорти 625,5 млрд. АҚШ долларини, экспорти 624,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (2015). Ташқи савдода АҚШ, Европа Иттифоқи ҳамда Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилади.

Назорат саволлари

1. АҚШ иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Канада иқтисодиётларининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Германия Федератив Республикаси иқтисодиётининг замонавий ҳолати.
4. Буюк Британия иқтисодиёти ва унинг Европа Иттифоқида тутган ўрни.
5. Франция иқтисодиётини ривожланиш ҳолати.
6. Италия иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари.
7. Япония иқтисодиёти ва унинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В. В. Покровская. Внешнеэкономическая деятельность. Учебник. 2-е издание переработанное и дополненное. – М.: Юрайт, 2014.
2. Афанасенко И., Борисова В. Экономическая логистика: Учебник для вузов. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2013. – 432 с.
3. Степанов А. Логистика внешнеэкономической деятельности / Прикладная логистика. 2007. №12. с. 13-15.

4-мавзу. “Тўрт осий аждарҳоси” мамлакатлари иқтисодиёти

Режа:

1. Гонконг иқтисодиёти, Гонконг иқтисодиётида лаисес фаир – яъни давлатнинг иқтисодиётга деярли аралашмаслиги қандай роли.
2. Корея Республикаси иқтисодиёти, Жанубий Корея иқтисодиётининг ривожланишига жаҳон ва минтақавий инқирозларнинг таъсири.
3. Сингапур иқтисодиёти, Жанубий Шарқий Осиё худуди ривожланишида Сингапур давлатининг иқтисодий аҳамияти.
4. Тайван иқтисодиёти, Тайван иқтисодиётида саноат ривожланишининг асосий сабаблари.

Таянч иборалар: Гонконг иқтисодиёти, Корея Республикаси иқтисодиёти, Сингапур иқтисодиёти, Тайван иқтисодиёти.

1. Гонконг иқтисодиёти

Гонконг - Хитой таркибидаги махсус маъмурий раён. Мамлакат 235 та оролни ўз ичига олади. Майдони 2905 км², шундан қуруқлик қисми 1095 км², қолган қисми денгиз акваторияси. Маъмурий маркази - Сянган шаҳри Аҳолиси 6,68 млн. киши (1998). Асосан, хитойлар (98%), шунингдек, тибетмянмалар, ҳинд, инглизлар ва португаллар ҳам яшайди. Аҳоли буддизм, даосизм, конфуцийлик, ислом, ҳиндуизм, христиан динларига эътиқод қилади. Расмий тили - хитой ва инглиз тили.

Гонконг қирғоқлари қўлтиқлар билан парчаланган. Соҳил яқинида майда қояли орол кўп. Ер юзаси тоғли, энг баланд жойи 939 м. Иқлими субтропик, муссонли иқлим, январнинг ўртача температураси 15-16°, июлники 25-27°. Йиллик ёғин 2000 мм гача. Доим яшил тропик ўрмонлар бор.

Гонконг Хитой билан "бир давлат - икки тузум" тамойилига асосланади. Бу тамойилнинг мазмуни Хитойнинг ички қисмларида социалистик тузум устувор бўлсада, Гонконгда капиталистик тизим ва ҳаёт тарзи сақланиб қолган. Гонконгнинг ўз бошқарув органлари бўлиб, улар ташқи сиёсий фаолият ва муҳофаадан ташқари барча соҳаларни мустақил равишда бошқарадилар. Гонконгда сиёсий демократияга амал қилинади. Гонконгнинг бошқарув органлари - маъмурият бошлиғи, ҳукуматдан ибора Тайван Шунингдек, Маъмурий мажлис, Қонун чиқарувчи мажлис ва Суд фаолият кўрсатади. Маъмурий бўлинмалардан ташқари сиёсий, молиявий ва ҳуқуқий департаментлар ҳам мавжуд. Маъмурият бошлиғи маҳаллий аҳоли орасидан сайлов ёки консультация ё'ли билан 5 йилга сайланади. Пул бирлиги эркин конвертация қилинадиган - сянган доллари.

ХХР ташкил топгач (1949), Пекин ҳукумати Гонконгнинг мустамлака мақомини тан олмай, уни Хитойдан "тортиб олинган" ҳудуд деб қаради. 1982 йилдан Гонконг масаласи бўйича Хитой ва Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида музокаралар бошланди ва 1984 йил 19 декабрда Хитой ва Буюк Британия томонидан қўшма декларация имзоланди, унга кўра 1997 йил 1 июлдан Гонконг Хитой юрисдикцияси остига ўтди. Шундай кейин Хитой Гонконг устидан суверенитет ўрнатди ва Гонконг мамлакатнинг махсус маъмурий раёни деб атала бошлади.

Гонконг хўжалиги унинг "савдо факторияси" роли таъсирида шаклланган. Бунга сабаб унинг чуқур сувли бандаргоҳларга бойлиги ва умуман табиий ресурсларнинг ё' қлигидир. Саноати четдан келтириладиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар асосида ишлайди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг

4/5 қисмидан ортиғи экспорт учун мўлжалланган. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг асосий қисми улгуржи ва чакана савдо, экспорт-импорт операциялари, транспорт, алоқа, молия ва суғурта, кўчмас мулк операциялари, ижтимоий ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқарилади. Иқтисодий фаол аҳолининг 63% ҳам шу соҳаларда банд. Қайта ишлаш ва қурилиш соҳасида 28% иқтисодий фаол аҳоли банд бўлиб, ЯИМ нинг 23% ишлаб чиқарилади. Саноатининг етакчи тармоқлари - тўқимачилик ва тикувчилик. Хорижий инвестицияларнинг асосий қисми ҳам ана шу тармоқларга сарфланади. Шунингдек, соат, пластмасса буюмлар (асосан, ўйинчоқлар) ишлаб чиқарилади. Электроника ва электротехника, полиграфия саноатлари ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигида турли сабзавот экинлари экилади. Экспорт учун гулчилик ривожланган. Балиқ овланади. Гонконг порти жаҳонда энг йирик портлардан, бажариладиган операциялар тури бўйича Сингапурдан кейинги ўринни эгаллайди. Четдан халқ истеъмол буюмлари, жиҳозлар, машина ва механизмлар, электротехника товарлари келтирилади. Экспортга кийимкечак (33%, дунёда 2ўринда), заргарлик буюмлари ва ўйинчоқлар (11%, дунёда 3ўринда), электротехника ва оптика товарлари, соатлар, оргтехника ва ҳ.к. чиқарилади. Туризм ривожланган, йилига 6 млн. сайёҳ келибкетилади.

2.Корея Республикаси иқтисодиёти

Корея Республикаси - Шарқий Осиёда, Корейс яриморлида жойлашган мамлакатдир. Шимолдан Корея Халқ Демократик Республикаси билан чегарадош. Пойтахти - Сеул шаҳри агломерацияси аҳолиси бўйича жаҳонда иккинчи ўринда туради.

Корейс яриморли Осиёнинг шарқий охирида жойлашиб, узунлиги 1100 киллометрни ташкил этади. Ғарбдан Тинч океани билан, шимолдан эса Хитой ва Россия билан чегарадош. Кореянинг шарқий томонида Шарқий Денгиз бўлиб, унинг ортида Япония жойлашган. Ерининг 70 фоизини тоғлар эгаллаб, қирғоқ ёқалаб 3000 минга яқин оролчалар тарқалган.

Кореянинг ер майдони 222 минг 154 км² бўлиб, катталиги тахминан Буюк Британия ёки Руминияга тенг. Ушбу майдоннинг 45 % ёки 99 минг км²дан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин.

Тоғли туманлар бутун майдоннинг тахминан учдан икки қисмини ташкил этиб, Португалия, Можаристон ёки Ирландия майдонича деса бўлади. Тебексан тоғ занжири шақий қирғоқ бўйлаб чўзилиб, Шарқий денгиз кучли тўлқинлари томонидан ювилиб туради. Ушбу зарба остида катта қоя ва қоя оролчалар пайдо бўлган. Ғарбий ва жанубий қирғоқлар эса қия жарлик. Жарликлар бўйлаб

қирғоқлари мўжизона кесилган боғозли яқин ороллар жойлашган.

Корея жаҳоннинг энг қадимги тамаддунларидан биридир, унинг ҳудудида Қуйи Палеолит давридаёқ одамлар яшаганлиги маълум. Уч Корейс Қироллигининг 668-йилдаги бирлашувидан то 1910-йилгача корейс халқи яхлит мамлакатда яшади. Корея бўлинишидан сўнг 1948-йили Жанубий Корея давлати яратилди. Корейс Урушидан кейин Корея Республикаси иқтисодиёти кучли ўсишни бошидан кечириб, мамлакат Катта Йигирматалик сафига кирди. Бугунги кунда Жанубий Корея БМТ, WTO, ОЕСД, АПЕС каби ташкилотлар аъзоси, АҚШнинг яқин ҳамкорларидан бири бўлиб, халқаро сиёсатда фаол қатнашади.

Жанубий Корея иқтисодиёти юқори технологиялар ва қулай инфратизимга асосланган, Самсунг, ЛГ, Хюндаи-Киа каби корейс ширкатлари электроника, автомобил, кема, машина ва роботлар ишлаб чиқаришади. Жанубий Корея шунингдек таълими илғор мамлакатлардан бири бўлиб, аҳолиси илмий савод даражаси бўйича жаҳонда биринчи, математик савод бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Жанубий Кореянинг 1997-йилдаги инқирозгача бўлган илдам иқтисодий ривожини "Шарқий Осиё Мўжизаси" деб аталган. Уч декада шиддатли иқтисодий ривожланиш камбағал аграр мамлакатни дунёдаги ўн иккинчи иқтисодий-экспорт давлатига айлантирди. 1996-йил 12-декабрда Корея Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ)га қабул қилиниши ҳақиқатан Корея иқтисодиётининг авжига чиққан пайти бўлди. Кореянинг бундай тез ривожини юқори даражадаги жамғарма ва сармоёга катта ёрдам берди, шунингдек миллий таълимнинг тараққий топишига рағбат бўлди. Шунинг эвазига бугунги кунда бир қанча ёш ўғил-қизлар дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида таълим олишмоқда. Лекин ривожланишга бўлган ё'л осон бўлмади. Бу ё'лга эришиш турли қийинчиликларни енгиб ўтишни талаб этди. 1945-йили Япония қарамлигидан озод бўлданидан сўнг миллий иқтисодиётни ривожлантириш халқнинг ҳаёт-мамот масаласига айланди. Табиий бойликларнинг чекланганлиги, ички бозорнинг заифлиги ва иқтисодий ривожланиш тажрибасига эга бўлмаслигига қарамай, Корея миллий иқтисодиётнинг барқарор ва мустақил ривожланишини амалга оширди.

Жанубий Кореяда дунёдаги хотира чипларининг 45%и ишлаб чиқарилади.

Жанубий Кореянинг электроника ва машинасозлик ширкатлари жаҳонда етакчи ўринлардадир; улар қаторига ЛГ, Самсунг ва бошқалар киради. Бутун дунёдаги ЛСД мониторларнинг 50%и айнан Жанубий Кореяда тайёрланади. Самсунг ва ЛГ мобил телефон ишлаб чиқарувчилари орасида дунёда етакчи ширкатлардандир. Жанубий Корея аҳолиси электроникадан энг кўп фойдаланувчи халқлар қаторига киради. Интернетдан фойдаланувчиларнинг

фоиз нисбатдаги сонига кўра биринчи ўринда туради. 2020-йилгача ҳар бир корейс хонадонида камида битта робот бўлиши режалаштирилган. Бу режа орқали Корея аҳолисининг кексайиши ва шу туфайли ишчи кучи ҳамда аскарлар сони камайиши муаммолари қисман ҳал қилиниши кўзда тутилган.

Корея Республикаси Россия билан фазовий ҳамкорлик олиб бормоқда, бу ҳамкорлик доирасида "Ариранг-1" ва "Ариранг-2" номли сунъий ёлдошлар учирилди. 2008-йилнинг 8-апрелида Корея ўзининг биринчи фазогири - Ёи Со-еонни коинотга учирди, у рус орбитал кемаси "Союз ТМА-12"да ишлади.

3. Сингапур иқтисодиёти

Сингапур Республикаси- Жанубий Шарқий Осиёдаги давлат Тайван Сингапур ороли ва унга туташ майда ороллар ҳамда Малакка ярим оролининг жанубий чеккасида жойлашган. Майдони 640 км². Аҳолиси 4,45 млн. киши. Пойтахти - Сингапур шаҳри.

Сингапур Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи республика. Амалдаги конституцияси 1963 й. қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент, у умумий тўғри овоз бериш ёли билан аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади

Сингапур ороли Жохор бўғози орқали Малакка ярим оролидан, Малакка ва Сингапур бўғозлари орқали Индонезия оролларида ажралиб туради. Соҳиллари пасттекислик, бироз ботқоқлашган, жанубий-ғарбий соҳилларида маржон рифлари бор. Иқлими экваториал, муссонли.

Ичимлик сув етишмайди, у Малайзиядан келтирилади. Кўпгина майда оролларда одам яшамайди, уларда тропик ўсимликлар сақланиб қолган. Айрим соҳиллари мангозорлар билан банд.

Аҳолисининг кўпчилиги хитойлар (76%), Малайялар (14%), Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Шри Ланкадан келганлар (7%), европалар ва бошқа яшайди. Расмий тиллар - хитой, инглиз, малайя, тамил тиллари. Диндорлари буддавийлик, конфуцийлик, ислом, ҳиндуийлик, христиан динларига эътиқод қилади.

Сингапур - Жанубий-Шарқий Осиёда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлат Тайван Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28%, транспорт ва алоқанинг улуши 13,1%, қишлоқ хўжалиги улуши 0,2%.

Саноатининг етакчи тармоқлари - машинасозлик, электроника, электротехника, оптика, кенг истеъмол моллари ва мураккаб аппаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Четдан келтириладиган хомашё асосида нефтни қайта ишлаш саноати ривожланган. Сингапур заводлари йилига 50 млн. тонна

нефтни қайта ишлаш имкониятига эга. Кемасозлик, кема таъмирлаш, самолётсозлик, металлургия, кимё, турли асбоб-ускуна ишлаб чиқариш, ёғочсозлик, қурилиш материаллари, тўқимачилик, резина, кўн поябзал, озиқ-овқат корхоналари бор. Хунармандчилик ривожланган. Йилига 20,7 млрд. кВт.оат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари - Сингапур. Журонг.

Экин экиладиган ер камлиги сабабли қишлоқ хўжалиги унчалик ривожланмаган ва мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Мамлакат ҳудудининг 20% га экин экилади. Асосан, шаҳар аҳолиси учун сабзавот ва мева, зиравор, тамаки, кокос палмаси етиштирилади. Чўчка ва парранда боқилади. Балиқ овлаш ва денгиз овчилиги билан шуғулланилади. Транспорт ё'ли узунлиги -83 км, автомобил ё'ллари - 3 минг км. Денгиз портлари - Сингапур, Журонг . Ташқи савдосида қайта экспорт қилиш катта ўрин олган. Четга машина ва асбобускуна (ташкилий техника, телерадиоаппаратлар), нефт маҳсулотлари ва бошқа чиқаради. Четдан турли хом ашё, озиқ овқат келтиради. Асосан АҚШ, Малайзия, Япония, билан савдо қилади. Пул бирлиги - Сингапур доллари.

4. Тайван иқтисодиёти

Тайван - Тинч океандаги орол, Осиёнинг жанубий-шарқий қирғоқлари яқинида, материкдан Тайван бўғози орқали ажралган. Атрофидаги майда ороллар билан Хитой провинциясини ташкил этади. Майдони 36 минг км². Маъмурий маркази - Тайбей ш. Аҳолиси 24,3 млн. киши, 1 км² га 671,4 киши тўғри келади. Расмий тил - хитой тили. Аҳоли буддизм, даосизм ва христиан динларига эътиқод қилади. Пул бирлиги - янги Тайван доллари.

Тайваннинг қирғоқ чизиги текис, шарқий қисмида Тайваншан сувайирғич тизмаси ўтган. Ғарбий соҳили текислик. Шимолда бир неча сўнган вулкон бор. Кучли zilzilалар бўлиб туради. Иқлими шимолда субтропик, жанубда тропик, муссонли иқлим, январнинг ҳарорати 15- 20°, июлники 25-30°. Йиллик ёғин 1500–2500 мм. Тез-тез тайфун бўлади. Дарёлари серсув. Ҳудудининг ярмига яқини доим яшил ўрмон билан қопланган, 3300 м дан баланд қисми бутазор ва ўтлоқлар. Фойдали қазилмалардан нефт, табиий газ, кўмир қазиб олинади, олтингургурт конлари бор. Текисликларда шоли, чой, батат, шакарқамиш, ананас ва ҳ.к. экилади.

Орол ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1-2-асрлардаги Хитой манбаларида учрайди. 1590 йилда Тайванни португаллар босиб олиб, Формоза (гўзал, нафис) деб атаганлар. 1624 йилдан голландлар назоратида бўлди. 1861 йилда улардан озод этилиб, маъмурий жиҳатдан Хитойнинг Фуцзян провинцияси таркибига

киритилди. 1887 йилда эса алоҳида провинсия қилиб ажратидди. 1894-95 йиллардаги Япония - Хитой урушидан сўнг орол японларга ўтди. 2-жаҳон урушида японлар енгилгач, Тайван 1945 йилда Хитойга қайтарилди. 1949 йилда ХХР ташкил этилгач, мағлуб бўлган гоминданчилар Тайванга ўрнашиб олдилар ва "Хитой Республикаси ҳукумати"ни туздилар. Тайванда амал қилинадиган конституцияга мувофиқ Тайван ҳукумати оролни 6 йил муддатга сайланган президент бошқарадиган "Хитой Республикаси" деб номлади. ХХР ҳукумати эса Тайван маъмуриятига "бир давлат - икки тизим" шаклини таклиф этди. Унга мувофиқ орол тинч ё' л билан ягона Хитой юрисдиксияси остидаги ўз ижтимоий тизимига эга маъмурий ҳудуд бўлиши лозим. Тайван ҳукумати эса бунга қарши ва у "бир мамлакат - икки ҳокимият" шаклини таклиф этмоқда. Тайваннинг олий бошқарув органлари - Миллий мажлис ва 5 асосий палата (юан) дан ибораТайван Президент, Миллий мажлис ва палаталар 6 йил муддатга сайланади. 40 дан ортиқ партия рўйхатга олинган, етакчи партиялар - демократик прогрессив партия, гоминдан партияси (Миллатпарвар партия).

2-жаҳон урушидан сўнг Тайван иқтисодий ўсиш ва экспорт бўйича дунёда энг юқори суръатларга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан кучли маъмурий тузилмага айланган. Ҳозирда Тайван Шарқий Осиёнинг "Тўрт кичик иқтисодий аждар"и - Корея Республикаси, Сингапур ва Сянган гуруҳидаги янги индустриал мамлакат ҳисобланади. 1991 йилдан ОсиёТинч океан иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо. Тайваннинг ялпи ички маҳсулоти 270 млрд. доллардан зиёд бўлиб, жаҳонда 20-ўринни эгаллайди. Иқтисодий ўсиш суръати - 65,1%. Компютер, электрон уйрўзғор аппаратураси, кийим-кечак, поябзал, спорт яхталари ишлаб чиқариш бўйича жаҳон хўжалигида етакчи ўринни эгаллайди. Тайван электроника таркибий қисмлари, мебел, тўқимачилик, металлургия, кимё, аниқ машинасозлик маҳсулотларининг йирик экспорт қилувчиси. Асосий саноат тармоқлари: тўқимачилик, радиоэлектроника, кемасозлик, озиқ-овқат, семент, ўрмонёғочсозлик, пўлат эритиш. Йирик саноат шаҳарлари: Тайбей, Сзилун, Тайчжун, Гаосюн. Камфара ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда дунёда 1-ўринда. Ҳудудининг 24% экин майдони. Асосий экини - шоли, шунингдек, шакаркамиш, батат, ананас ҳам етиштирилади; чой плантациялари бор. Чорвачиликда кўй боқилади. Балиқ овланади.

Назорат учун саволлар:

1. Гонконг иқтисодиёти, Гонконг иқтисодиётида лаисес фаир – яъни давлатнинг иқтисодиётга деярли аралашмаслиги қандай роли.
2. Корея Республикаси иқтисодиёти, Жанубий Корея иқтисодиётининг ривожланишига жаҳон ва минтақавий инқирозларнинг таъсири.

3. Сингапур иқтисодиёти, Жанубий Шарқий Осиё ҳудуди ривожланишида Сингапур давлатининг иқтисодий аҳамияти.

4. Тайван иқтисодиёти, Тайван иқтисодиётида саноат ривожланишининг асосий сабаблари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арустамов Э. А., Андреева Р. С. Внешнеэкономическая деятельность: учебник. - Москва: Издательство «Проспект», 2013. — 201 с.
2. К. Куямджи, Е. Дорожкина. Маркетинговое обеспечение внешнеэкономической деятельности предприятия: анализ и оценка. Гамбург: Lambert Academic Publishing, 2013 – 92 с.

5-мавзу. Хитой иқтисодиёти

Режа:

1. Хитой Республикасига умумий тавсиф.

2. Хитойнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллар, мамлакатнинг ривожланишида “Хитой модел”нинг аҳамияти.

3. Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Жаҳон иқтисодиётида Хитойнинг эгаллаган позицияси. Хитой иқтисодиётининг ривожланишида тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни.

Таянч иборалар: Хитой иқтисодиёти, иқтисодий интеграция, хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий ҳудудлар.

1. Хитой Республикасига умумий тавсиф

Хитой дунёдаги энг қадимий давлатлардан бири саналади ва қадимда Хитой Шарқнинг энг юқори сивилизациясига эга давлат бўлган. Кўпгина мамлакатлар, хусусан, Япония, Корея, Тибет ва Вьетнам каби мамлакатлар Хитой томонидан таъсирланган, йаъни улар Хитой фалсафасини, санъатини, озиқ-овқатини, моддий маданиятини, давлат тузилишини, технологиясини ва ёзув ҳарфларини ўз давлатларида ўзлаштирган.

Хитой XX асрнинг 80-йилларигача жаҳон хўжалигида “аграр” давлатларнинг бири эди. Лекин, XX асрнинг охири ва ХХИ асрнинг бошларида унинг иқтисодий тараққиёти мисли кўрилмаган даражада тараққий этиши билан жаҳон хўжалигида “тўртинчи иқтисодий мўъжиза”ни вужудга келтирди. Биргина 2003 йилни жаҳон хўжалигида “Хитой йили” десак муболаға бўлмайди. Чунки, бунга сабаб қуйидагича:

1. 2003 йилнинг бошларида жаҳонда пайдо бўлган юқумли “САСК” касаллиги айнан Хитойнинг Гуанжоу вилоятидан чиқди ва қисқа вақт ичида бутун дунё мамлакатларига тарқалиши натижасида минглаб инсонлар қурбон бўлди.

2. 2003 йилнинг октябр ойида Хитой жаҳонда собиқ Иттифоқ ва Россиядан сўнг учинчи бўлиб, ўз космик кемасини фазога олиб чиқди.

3. 2003 йилда ЯИМнинг ўсишини 14%га таъминлади.

Хитойликлар ўз давлатларини ўз тилларида “Зонгуя” (Зхонггуа) дейишади. Бу сўзнинг маъноси “Марказий давлат” ёки “Марказий қироллик” маъносини беради. “Хитой” деган сўз эса хорижликлар томонидан берилган. Хитой жаҳонга кўплаб маҳсулотларни “совға” қилган. Жумладан, жаҳон хўжалигида биринчи бўлиб порох, ипак (шойи), қоғоз, фарфор, компас каби маҳсулотларни ихтиро қилган.

Бугунги Хитой ҳаётининг қайси соҳасини олманг, тараққиёт ва янгилашни рўй бераётганининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, жаҳон оммаси “XXI аср – Хитой асри” дейиши бежиз эмас, албатта.

Хитой Халқ Республикаси Россия, Монголия, КХДР, Вьетнам, Лаос, Ҳиндистон, Бутан, Непал, Мянмар, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари билан чегарадош. Унинг қуруқликдаги чегара узунлиги қарийб 15 минг км.ни ташкил қилади. Шунингдек, сув ҳавзасида Япония, Жанубий Корея ва Филиппин мамлакатлари билан чегарадош. Унинг сув ҳавфзасидаги чегара узунлиги қарийб 21 минг км.ни ташкил қилади.

Унинг ҳудуди – 9,6 млн. кв. км.ни ташкил қилиб, Йер майдонининг катталиги жиҳатидан жаҳонда Россия, Канада, АҚШдан сўнг 3-ўринда туради.

Мамлакат 23 та, йаъни вилоят, 5 та автоном раён ва маъмурий бошқарувга эга бўлган 4 та шаҳардан иборатдир (Пекин, Шанхай, Гонгконг (Сянган) ва Тяңцзин). Мамлакатнинг пойтахти-Пекин шаҳри ёки хитой тилида “Бейцзин” (Бейджин), йаъни “шимолий пойтахт” демакдир.

Хитойнинг энг йирик индустриал шаҳри – Шанхай шаҳри «мамлакатнинг эшиги» деб ҳисобланади. Шанхай денгиз порти шаҳри Республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини олиб бориш, ҳамда иқтисодий-географик жиҳатдан «енг қулай шаҳар»дир.

Хитой БМТ, ЖСТ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, Осиё тараққиёт банкига ва бошқа кўплаб нуфузли ташкилотларга аъзо.

Миллий валютаси - юан. Аҳолиси 1 млрд. 300 млн. кишини ташкил қилади ва дунёда 1-ўринда туради ёки дунё аҳолисининг 1/5 қисмини ташкил қилади. Мамлакатда 1 млн.дан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 44 та. Энг кўп аҳоли Шанхайда (14.5 млн.) ва Пекинда (14 млн.) истиқомат қилади.

2. Хитойнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллар

Хитой мамлакатининг иқтисодий тараққиёти 70-йиллардан сўнг қуйидаги омиллар асосида ривожланди:

- 1) Мамлакатнинг иқтисодий-географик қулайлиги.
- 2) Мамлакатда йирик қазилма бойликларнинг захираси ва кўплаб табиий ресурсларнинг мавжудлиги.
- 3) Қишлоқ хўжалигининг юксак даражада ривожланиши.

4) Хитой маҳсулотларининг экспорт қилинишида демпинг сиёсатининг қўлланилиниши.

5) 90-йиллардан бошлаб экспортнинг ортиб бориши.

6) Бозор иқтисодига ўтиш даврида “хитой модели”нинг аҳамияти.

7) 80-йилларда Хитой ҳукуматининг “кучли” иқтисодий ислохотларни олиб бориши.

8) ЯИМнинг йилдан-йилга ўсиб бориши. 1978 йилдан 1997 йилгача ЯИМ ўртача йилига 9,6%дан ўсиб борди. Хитой иқтисодиёти тарихида ЯИМнинг ўсиш рекорди 1992 йилда юз бериб, 14,2%ни ташкил қилган (15-жадвал).

9) Мамлакатда ишчи кучининг арзонлиги ва меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги.

10) Хитойнинг ташқи савдо-сотиғида Гонгконг денгиз портининг устувор аҳамияти.

11) Хитойнинг “очиқ эшиклар сиёсати”ни амалга ошириши.

1984 йилда Хитой ҳукумати мамлакатнинг 14 шаҳрига ташқи иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқини берди. Ушбу денгиз шаҳар портлари ташқи савдо-сотиғи учун “очиқ” деб эълон қилинди. Шу билан бирга 4 та “еркин иқтисодий ҳудуд”. Шенчжен, Чжухай, Сямин ва Шантоу ташкил қилинди. Ушбу “еркин иқтисодий ҳудуд”ларнинг энг йириги Шенчжен шаҳридир. Ушбу шаҳар Гонгконгга яқин бўлган ҳудудда жойлашган.

12) Ишлаб-чиқариш ресурсларининг доимий ўсиши.

13) Хорижий сармоялар ва технологияларнинг жалб қилиниши;

1978 йилда Бутунхитой халқ вакиллари йиғинининг бешинчи сессиясида ривожланишнинг “Тўрт Модернизация” Дастурини амалга татбиқ этишга ўтиши 10 йиллик режасининг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу “Тўрт модернизация” дастури тўртта йўналишда:

- қишлоқ хўжалиги;
- саноат;
- ҳарбий мудофаа;
- фан ва техника соҳасини модернизация қилишдан иборат эди.

Ушбу 10 йиллик дастурда Фардан завод фабрикалар учун тайёр асбоб-ускуналар ва янги технологияларнинг катта миқдорда импорт қилинишига урғу берилди. 1978 йилнинг охирига бориб, Хитой хорижий инвесторлар билан 7 млрд. АҚШ долл. миқдорида қатор шартномаларни имзолади.

1982 йилгача Хитойга жами 430 млн. АҚШ долл. миқдорида хорижий сармоя жалб қилинган бўлса, 2002 йил ҳолатига 44 млрд. 241 млн. АҚШ долл. миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинди¹.

14) Туризмнинг ривожланиши.

Ҳозирда Хитойга 1 йилда ўртача 3-4 млн. сайёҳ ташриф буюради. Агарда Гонгконг ва Макаони қўшиб ҳисоблаганда йил мобайнида 11 млн.дан ортиқ сайёҳ ташриф буюради.

15) Хитой иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти.

3. Мамлакатнинг ривожланишида “Хитой модел”ининг аҳамияти ва Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни

1984 йилнинг октябрдаги ХКП Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида Хитой Ҳукумати “Хўжалик тизимини ислохот қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қабул қилинган тарихий қарорда мамлакатда “Хитой”нинг хусусиятларига мувофиқ социализм қуриш” вазифаси аниқ-равшан белгилаб олинди ва иқтисодий давлат дастури ишлаб чиқилди.

“Хитой модели”да қуйидаги хусусиятларни кўришимиз мумкин:

- бозор ислохотларини бошлашдан аввал истеъмол бозорида маҳсулот нарх-наволар динамикасини тиклаш, йаъни бир хил тоифага ва сифатга эга бўлган маҳсулотларнинг нархларини тенглаштириш;

- бозор иқтисодини юзага келтириш ва шакллантириш;

- бозорни янада шакллантиришда хусусий тадбиркорликни ва ёрдамчи ҳунармандчиликни ривожлантириш;

- инфляциянинг олдини олишда мамлакатда “қатъий тартибда” режим олиб бориш, миллий валютанинг қадрини ошириш;

- давлат корхоналарини хусусийлаштириш, йаъни саноат корхоналарини “мустақил хўжалик ташкилотларига” айлантириш;

- бир вақтнинг ўзида давлат ва хусусий секторларни ривожлантириш;

- мамлакатга хорижий инвестицияларни киритишда “очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бориш ва хориж капиталини жалб қилиш;

- мамлакатнинг қишлоқ жойларида дехқонлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилишида давлат томонидан моддий ва иқтисодий ёрдам бериш ва уларнинг ортиқча маҳсулотларни бозорларда сотиш имкониятларини яратиб бериш;

- дехқонлардан олиб қўйилган томорқа ерларининг қайтариб берилиши, ҳамда қишлоқ жойларда “оилавий пудрат” усулида ишлашга ўтилиши иқтисодий ислохотнинг асосий мақсадлари бўлди.

Хитойнинг ЯИМ жаҳонда АҚШдан сўнг 2-ўринда туради. Лекин жаҳон иқтисодчи мутахассисларининг фикрига кўра, 2022 йилга бориб, унинг ЯИМ миқдори бўйича 1-ўринга чиқиши кутилмоқда.

XXР дунё саҳнасида ўз нуфузига эга бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Айниқса охириги 10 йил ичида иқтисодий нуқтаи назардан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Унинг валюта захираси 2014 йил ҳолатига тахминан 4 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотининг ҳажми -28 трл.юан. ЯИМнинг йиллик ўртача ўсиши 1999 йилдан 2009 йилгача ўртача йилига 7,6 %, натижада 1980 йилдан 2009 йилгача ЯИМ ҳажми деярли 6 мартаба ўсди.

Ташқи савдо-сотик бўйича Хитой 1978 йилда 32-ўрини банд қилган бўлса, 2016 йилга келиб, жаҳондаги энг йетакчи мамлакатлар қаторига қўшилди.

Экспортнинг асосий маҳсулотларига енгил саноат маҳсулотлари, тўқимачилик, радиотехника ва электроника, пояфзал маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати, химия саноати маҳсулотлари киради. Импортни эса баъзи нефт маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, автомобиллар, компьютер ва бошқа маҳсулотлар ташкил қилади.

Хитой жаҳон хўжалигида кўмир қазииш, пўлат қуииш, тўқимачилик маҳсулотлари, дуккакли экинларни йетиштириииш (ёғ олинадиган-мош, йерёнғоқ, ловия, писта, каноп), семент ишлаб чиқариииш, буғдой, пахта, гўшт йетиштириииш бўйича, “чиқинди”лардан қайта маҳсулот ишлаб чиқариииш, 2004 йилдан бошлаб, телевизор ишлаб чиқариииш бўйича 1-ўринда туради. У аҳоли ва ишчи кучининг кўплиги бўйича ҳам жаҳон хўжалигида 1-ўринда туради.

Назорат учун саволлар:

1. Хитой Республикасига умумий тавсиф.
2. Хитойнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллар, мамлакатнинг ривожланишида “Хитой модел”ининг аҳамияти.
3. Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Жаҳон иқтисодиётида Хитойнинг эгаллаган позицияси. Хитой иқтисодиётининг ривожланишида тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В. Бондаренко. Маркетинговое сопровождение развития инфраструктуры ВЭД: теория и методология маркетингового сопровождения развития инфраструктуры ВЭД. Гамбург: Lap Lambert Academic Publishing, 2014-421 с.
2. Стуканова И. П., Стуканова С. С. Основы внешнеэкономической деятельности: Практикум, 2-е изд. – М.: МГИУ, 2008. – 218 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар жаҳон иқтисодиётига таълуқли бўлган маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш; кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлаш; маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти

Дарс шакли баҳс-мунозара. Муҳокама этиладиган масалалар:

1. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари;
2. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” дан келиб чиққан ҳолда фан олдида қўйилган устувор вазифалар;
3. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истикболлари.

Калит сўзлар: Жаҳон иқтисодиёти, глобаллашув, байналмилаллашув, молиявий марказлашув, ахборотлар, глобал олигополия, трансмиллий корпорациялар, глобал бозор, очиқ иқтисодиёт, халқаро меҳнат тақсимоти, фан-техника тараққиёти.

➤ **Муҳокама учун саволлар**

1. “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” фанининг мақсади ва вазифалари;
2. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тенденциялари ва истикболлари.

Кучли томонлари	Заиф томонлари

1. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

2-амалий машғулот: Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифи

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифи

Дарс шакли: Дебат усули. Муҳокама этиладиган масалалар ва кейс - стади. “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш



➤ Муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлашнинг моҳияти ва мазмуни.


2. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси.

3. Халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра таснифлаш усуллари.

1. Ривожланган мамлакатларда халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнларини (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



4.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

3-амалий машғулот. Катта еттиликка аъзо мамлакатлар иқтисодиёти (АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония)

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Ривожланган мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари


2. “Катта еттиликка аъзо мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Дарс шакли: Дебат усули.

Муҳокама учун саволлар

1. Ривожланган мамлакатларнинг халқаро товар алмашинувида тутган урни ва роли.

2. Хорижий сармоялар - ривожланаётган мамлакат иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга? (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



3. “Катта еттиликка аъзо мамлакатлар”нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрнини баҳолаб беринг.

4. “Катта еттиликка аъзо мамлакатлар”нинг ривожланиш моделлари хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
2. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
3. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

4-амалий машғулот: “Тўрт осиё аждарҳоси” мамлакатлари иқтисодиёти

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Гонконг иқтисодиёти, Гонконг иқтисодиётида лаисес фаир – яъни давлатнинг иқтисодиётга деярли аралашмаслиги қандай роли.

2. Корея Республикаси иқтисодиёти, Жанубий Корея иқтисодиётининг ривожланишига жаҳон ва минтақавий инқирозларнинг таъсири.

3. Сингапур иқтисодиёти, Жанубий Шарқий Осиё ҳудуди ривожланишида Сингапур давлатининг иқтисодий аҳамияти.

4. Тайван иқтисодиёти, Тайван иқтисодиётида саноат ривожланишининг асосий сабаблари.

Дарс шакли: Дебат усули.

➤ Муҳокама учун саволлар

1. Мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этишнинг афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодиётлар ривожланиши учун аҳамияти нимада?” (саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш).

Йўналтирувчи услубий тавсиялар: ресурслардан самарали фойдаланиш, халқаро савдо, экспорт, импорт ва ҳ.к.

Савол	“Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий иқтисодиётлар ривожланиши учун аҳамияти”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

ФСМУ технологияси қоидаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
2. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
3. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.

5-амалий машғулот. Хитой иқтисодиёти

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Хитой Республикасига умумий тавсиф.
2. Хитойнинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллар, мамлакатнинг ривожланишида “Хитой модел”ининг аҳамияти.
3. Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Жаҳон иқтисодиётида Хитойнинг эгаллаган позицияси. Хитой иқтисодиётининг ривожланишида тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни.


Дарс шакли: Дебат усули.

➤ Муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий интеграциянинг афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. Интеграциянинг миллий иқтисодиётларга таъсири («Каскад» техникаси орқали ёритиб беринг).



Фойдаланилган адабиётлар

1. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
2. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
3. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Philips компанияси маиший техника ишлаб чиқариш заводларини сотмоқда

Philips electronics компанияси маиший техника ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бир нечта заводларини сотишни мулжалламоқда. Бундан ташқари *Philips* видеомагнитофонларини ишлаб чиқариш ҳуқуқи Япониянинг **Funai Elecric** корпорациясига берилди. Голландия компаниясининг бу қарори рақамли видеодисклар ишлаб чиқариш каби видео ёзиш соҳасининг жуда мукамал ривожланиб кетиши билан изоҳланади. *Philips* нинг маиший бўлим мудирини Ги Демейнкнинг фикрига кўра **Funai Elecric** билан ҳамкорлик компанияга дунёда етакчи ўринлардан бирини сақлаб қолишида кўл келади. Агар аввал Японияда *Philips* маркаси билан ишлаб чиқарилган видеомагнитофонлар АҚШ учун сотилган бўлса, энди бу маҳсулот Европа бозорини ҳам тўлдириши кўзда тутилган.

Июнь ойида Голландия компанияси раҳбарияти фойда келтирмаётганлиги сабабли мобил телефонлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини Хитойдаги қўшма корхонага берилишини эълон қилди. Харажатларни қисқартиришга йўналтирилган реструктуризация режаси ўз ичига оммавий равишда ходимлар штатларини қисқартиришни ҳам ўз ичига олади. Олдин 10 минг та ходимни ишдан бўшатиш режалаштирилган эди. Реструктуризация аввало маиший техника соҳасидаги ходимларга қаратилади. Тахлилчилар фикрига кўра, компанияни бошқариш курси ва йўналиши олдиндан айтиш мумкин, чунки *Philips* компанияси маиший техниканинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Топшириқлар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмоқда? Ким унинг субъекти ҳисобланади?
2. Ушбу ҳолатни халқаро савдонинг қайси назарияси тўларок ва аниқроқ еритади?

Германия иммигрантлар учун ўз эшикларини кенгроқ очишга ҳаракат қилмоқда

Берлинда яқинда ҳукумат комиссиясининг қарори эълон қилинди, унга кўра Германия давлати ҳар йили 50 мингга яқин иммигрантларни қабул қилиши лозим, ақс холда ишчи кучи етишмаслиги оғир муаммога айланиши мумкин. Экспертлар комиссияси мамлакатга чет элликлар келиши борасидаги муаммоларни ўрганиб чиқди. Бундан чиқарилган асосий хулоса шундан иборат бўлдики, ёш ва малакали мутахассислар Германияга келмайдиган бўлса, туғилиш кескин суръатлар билан камайиб бораётган бу пайтда иқтисодий тараққиёт ва юқори ҳаёт тарзи каби орзулар хом хаёллигича қолиб кетавериши мумкин.

Бунинг учун Германияга асосан уч турдаги иммигрантларни жалб қилиш керак бўлади. Нисбатан ёш ва 45 ёшгача бўлган малакали 20 мингга чет эллик мутахассислар Германияда чегараланмаган муддатда яшаш ва шу ерда ишлаш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бунинг учун номзодларни балли система ёрдамида синовдан ўтказилади. Номзодлар қанчалик ёш, малакали ва тажрибали булса уларга шунчалик кўп балл қўйилади. Чет тилларини, хусусан немис тилини билиш ва фарзандларнинг борлиги Германияга бориш имкониятини янада оширади. Иккинчи категорияда ҳам 20 мингга номзодлар сараланиб олинади. Бунга ҳозирги вақтда Германияда жуда камёб мутахассислик эгалари киритилади. Улар Германияда вақтинчалик яшаш ва ишлаш ҳуқуқини қўлга киритишади. Иммигрантларнинг учинчи категориясида мактабларнинг битирувчиларини жалб қилиш назарда тутилган. Улар Германияда профессионал техник маълумот олишлари мумкин ва хохишига кўра Германияда доимий қолишлари мумкин. Шу билан бирга чет эллик олимларнинг Германияга келишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Давлат томонидан бериладиган ёрдамга чет элдан келиб Германияда уз ишини очмоқчи бўлганлар ишонишлари мумкин. Бу масалан, кимевий тозалаш корхонаси, автоустахона ёки ресторан ва хатто банк ҳам бўлиши мумкин. Асосийси солиқларни ўз вақтида тулашдир.

Топшириклар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қайси тури тўғрисида гап кетмоқда? Ва қайси муаммони хал қилиш лозим?
2. Иммиграциянинг қайси кўринишлари ҳақида тўхтаб ўтилди?
3. Германия иммиграцион сиёсатининг қайси инструментларини ишлатмоқда?
4. Германия иммигрантларини қабул қилиб қайси имкониятлага эга бўлади?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Мустақил иш – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иш - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишнинг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўланиш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун

топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- таркатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2) Мустақил таълим мавзулари.

“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ё‘налишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида илгари сурилган иқтисодий масалалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қо‘шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (ПФ-4848.05.10.2016 й.) да тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масалалари.

3. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган иқтисодий масалалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони (7 феврал 2017 й.) мақсади ва вазифалари.

5. Жаҳон иқтисодиётда Янги индустриал давлатларнинг тутган ўрни.

6. Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделлари.

7. Жаҳон хўжалигида иқтисодий хавфсизлик муаммолари.

8. Жаҳон иқтисодиётда трансмиллий корпорацияларнинг тутган ўрни.

9. Жаҳон хўжалигида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш муаммолари.

10. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва уларни ташкил этиш муаммолари.

11. Халқаро рақобат ва унинг замонавий шароитда юзага чиқиш хусусиятлари.

12. Zamonauiy jahon xujaligi subyektlari va mamlatning jahon iqtisodiyatdagi urini tavsiflovchi kursatkichlar tizimi.

13. Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning mazmuni va mohiyati.

14. Xalqaro ilmiy-texnikauiy hamkorlik.

15. Jahon iqtisodiyatida oziq-ovqat muammosi.

16. Germaniya Federativ Respublikasi iqtisodiyati.

17. Fransiya Respublikasi iqtisodiyati.

18. Buyuk Britaniya va Shimoliy Irlandiya birlashgan qirolligi iqtisodiyati.

19. Italiya Respublikasi iqtisodiyati va jahon mamlatlari bilan olib boratgan iqtisodiy munosabatlari.

20. Yaponiya iqtisodiyati.

VII. GLOSSARIY

“Brain drain”	Утечка мозгов	“Aqli kishilarning ketib qolishi”	- mamlatning intellektual salohiyatli vakillarini chet elda ishga joylashish maqsadida chiqib ketishi.
Stock	Акция	Аksiya	– qimmatbaho qog‘oz, u hissadorlik jamiyatini rivojlantirishga mablag‘ sarflanganligi dalolati bo‘lib, uning egasiga hissadorlik jamiyati foydasining bir qismini dividend tariqasida olish huquqini beradi.
Association	Ассоциация	Assotsiatsiya	– xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlarning ixtiyoriy birlashmasi.
Employment	Занятость	Bandlik	– mehnatga layoqatli aholining ijtimoiy foydali mehnat bilan mashg‘ul bo‘lishi; fuqarolarning shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog‘liq bo‘lgan va qonunga zid kelmaydigan, mehnat daromadi beradigan faoliyati.

Bancrupt	Банкрот	Bankrot	-xo'jalik sudi tomonidan e'tirof etilgan, qarzdorning pul majburiyatlari bo'yicha kreditorlar talablarini to'la xajmda qondirishga yoki majburiy to'lovlar bo'yicha o'z majburiyatini bajarishga qodir emasligi.
The requirements of the Basel Committee	Требования Базельского комитета	Bazel qo'mitasi talablari	– bank tizimining barqaror amal qilishi hamda o'z majburiyatlarini bajara olishini ta'minlash uchun o'rnatilgan xalqaro me'yorlar majmui bo'lib, u kapitalning etarlilik darajasini, banklarni nazorat qilish jarayoniga hamda bozor intizomiga qo'yilgan talablarni ifodalaydi.
The Customs Union	таможенный союз	Bojxona ittifoqi	- ikki va undan ortiq davlatlarning bir-biriga va uchinchi mamlakatlarga nisbatan soddalashtirilgan tarif siyosatini o'tkazishidir.
customs tariff	таможенный тариф	Bojxona tarifi	- tovar oqimlarining chegarani kesib o'tishida davlat tomonidan olinadigan soliq miqdori ko'rsatilgan tartiblangan tovarlar ro'yxati
The market	РЫНОК	Bozor	– sotuvchilar va xaridorlar o'rtasidagi mahsulot sotish va xarid qilish bo'yicha erkin munosabatlar tizimi. Bozorlar o'z hududiy masshtabiga ko'ra lokal, milliy va xalqaro bozorlarga bo'linadi. Oldi-sotdi ob'ekti bo'lib, iste'mol tovarlari, resurslar, (mehnat, kapital, yer, tadbirkorlik qobiliyati, axborot) va xizmatlar

			hisoblanadi.
budget deficit	бюджетный дефицит	Byudjet defitsiti	– byudjet xarajatlarining byudjet daromadlaridan oshib ketishi natijasida vujudga kelgan taqchillik.
The income	Доход	Daromad	– tadbirkorlik yoki boshqa faoliyat natijasida pul yoki natura shaklida olinadigan mablag‘lar.
State budget	госбюджет	Davlat byudjeti	- davlat daromatlari va sarflarining moliyaviy rejasi.
deflation	дефляция	Deflyatsiya	– inflyatsiya davrida muomaladagi qog‘oz pulni kamaytirish. Davlat tomonidan muomaladagi pul miqdorini kamaytirishga qaratilgan moliya va pul - kredit tadbirlarini qo‘llash orqali amalga oshiriladi.
The demographic explosion	Демографический взрыв	Demografik portlash	- jahonning kam rivojlangan va kambagal mamlakatlarida nazorat kilib bo‘lmaydigan darajada aholi sonining o‘shishi.
diversify	диверсифицировать	Diversifikatsiya	– (lotinchadan diversus- har xil va facere-qilmoq, bajarmoq) – ishlab chiqarishning samaradorligini oshirish, mahsulot va xizmatlarni sotish bozorlarini kengaytirish maqsadida tarmoq va korxonalar faoliyat sohalarini kengaytirish, mahsulot va xizmatlar assortimentlarini ko‘paytirish.
The dividend	Дивиденд	Dividend	– hissadorlik jamiyati foydasining (soliqlar to‘lanib, barcha qarz beruvchilar bilan hisob-kitob qilinganidan keyingi) hissadorlar o‘rtasida ular qo‘lidagi aktsiyalarga

			mutanosib tarzda taqsimlanadigan qismi.
The export quota	экспортная квота	Ekspport kvotasi	- mamlakat eksporti hiymatining unig yalpi ichki mahsuloti (YaIM)ga nisbati (foizlarda).
embargo	эмбарго	Embargo	- alohida mamlakat yoki davlatlar guruhi bilan savdoni butunlay ta'qiqlash.
free trade zone	Зона свободной торговли	Erkin iqtisodiy hudud	-mamlakat hududining xorijiy mamlakatlar tomonidan turli shakllardagi hamkorlikdagi tadbirkorlik bilan shug'ullanishlari uchun ruxsat etilgan qismi. Mazkur zonalarda maxsus imtiyozli shart-sharoitlar, jumladan, imtiyozli soliqlar, bojxona to'lovlari, ijara, viza olish, valyuta ayirboshlash, mehnatga yollashning qulay tartiblari belgilangan bo'ladi.
Stock market	фондовый рынок	Fond bozori	- qimmatli qog'ozlar va boshqa moliyaviy vositalarning oldisotdi jarayonlari amalga oshiriluvchi maxsus tashkillashtirilgan bozor.
franchising	франчайзинг	Franchayzing	- bir kompaniyaning boshqa yirikroq yoki bosh kompaniyaning savdo markasi, tovar belgisi va boshqa atributlaridan foydalanish.
GATT	ГАТТ	GATT	-Savdo va tariflar bo'yicha Bosh kelishuv - tashqi savdo operastiyalarini o'tkazishda belgilangan tamoyillarga amal qilishga rozi bo'lgan mamlakatlarni birlashtiruvchi savdo va tarif masalalari

			bo'yicha xalqaro akTayvan
immigration quota	ИММИГРАЦИОННАЯ КВОТА	Immigratsion kvota	xorijiy fuqarolarning kirib kelishini davlat tomonidan miqdoriy cheklash.
The inflation rate	Уровень инфляции	Inflyatsiya darajasi	– ma'lum vaqt ichida (oy, yil) narxlar darajasining foizdagi o'zgarishi.
innovative technologies	ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ	Innovatsion texnologiyalar	– iqtisodiyotga yangiliklarni tatbiq etish bosqichlarida qo'llaniluvchi usul va vositalar majmui bo'lib, o'z ichiga joriy etish, trening, konsalting, transfert, audit, injiniring kabi turlarini oladi.
investment credit	ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КРЕДИТ	Investitsion kreditlar	– ishlab chiqarishni kengaytirish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, modernizastiyalash va rekonstruktsiya qilish, yangi bino va inshootlarni qurish uchun zarur bo'lgan vositalar hamda qimmatli qog'ozlarni sotib olish maqsadida olingan uzoq muddatli kreditlar.
The investment	ИНВЕСТИЦИЯ	Investitsiya	– bu iqtisodiy samara (foyda, daromad) olish yoki ijobiy ijtimoiy natijaga erishish uchun sarflanadigan pul mablag'lari, banklarga qo'yilgan omonatlar, paylar, qimmatli qog'ozlar (akstiya, obligastiyalar), texnologiyalar, mashinalar asbob-uskunalar, listenziyalar va samara beradigan boshqa har qanday boyliklardir.
ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КЛИМАТ	ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КЛИМАТ	Investitsiya muhiti	– investitsiyalar jozibadorligi hamda xavf-xatar darajasini belgilab beruvchi ijtimoiy-iqtisodiy, moliyaviy va siyosiy omillar majmui.
investor	ИНВЕТОР	Investor	- xususiy va qarzga olingan

			mulkiy va intellektual qiymatlarni sarflash haqida qaror qabul qiluvchi investitsiya faoliyati sub'ektlari. Investorlar ob'ektlar va investitsiya natijalariga egalik qilish, foydalanish va tasarruf qilish huquqiga ega bo'ladi.
Economic activity	Экономическая деятельность	Iqtisodiy faoliyat	– cheklangan iqtisodiy resurslardan unumli foydalanib, kishilarning yashashi, kamol topishi uchun zarur bo'lgan hayotiy vositalarni ishlab chiqarish va iste'molchilarga etkazib berishga qaratilgan, bir-biri bilan bog'liqlikda amal qiladigan turli-tuman faoliyatlar majmui.
economic integration	экономическая интеграция	Iqtisodiy integratsiya	- hududiy miqyosda sifat jihatdan yangi iqtisodiy muhitni yaratish yo'li orqali milliy xo'jalik komplekslarini o'zaro yaqinlash va bir-biriga kirib borishi jarayoni.
economic alliance	экономический союз	Iqtisodiy ittifoq	- iqtisodiy integratsiyaning oliy ko'rinishi, u umumiy huquqiy me'yorlar, soliq bazasini soddalashtirilishi, ishlab chiqarish va ijtimoiy sohalarda yagona standartlarni joriy etish, yagona valyutaga o'tish kabilar bilan tavsiflanadi.
Economic growth	Экономический рост	Iqtisodiy o'sish	– mamlakat miqyosida yalpi ichki mahsulotning aholi jon boshiga yildan-yilga barqaror o'sib borish jarayoni.
Economic	Экономическ	Iqtisodiy	– tovar ishlab chiqarish va

resources	ие ресурсы	resurslar	xizmat ko'rsatish jarayonlarida foydalanish mumkin bo'lgan barcha vosita va imkoniyatlar majmui.
Economy	Экономика	Iqtisodiyot	– mulkchilikning turli shakllariga asoslangan xo'jaliklardan, xo'jaliklararo, davlatlararo birlashmalar, korporatsiyalar, konsernlar, qo'shma korxonalar, moliya va bank tizimlaridan, davlatlar o'rtasidagi turli iqtisodiy munosabatlardan iborat o'ta murakkab ijtimoiy tizim.
Manufacture	Производство	Ishlab chiqarish	– biznes korxonalarining asosiy faoliyat turi bo'lib, bu jarayon cheklangan resurslardan foydalangan holda amalga oshiriladi.
The World Bank	Всемирный банк	Jahon banki	– 1944 yilda Xalqaro valyuta jamg'armasi bilan bir vaqtda tuzilgan birinchi davlatlararo investitsiya institutidir. Bank o'zining faoliyatini 1946 yil 25 iyundan boshlagan.
World market	мировой рынок	Jahon bozori	- moddiylashtirilgan va moddiylashtirilmagan ko'rinishidagi ijtimoiy mahsulotni ishlab chikarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste'mol boskichlarni o'z ichiga oluvchi XIM sub'ektlari (milliy va hududiy iqtisodiyotlar, xalqaro tashkilotlar va korporatsiyalar)ning o'zaro iqtisodiy ta'sirlashish global muhitidir.
World market	Конъюнктура мирового	Jahon bozori kon'yunkturas	-jahon tovar bozorlaridagi sotish sharti, ushbu bozorlardagi talab, taklif,

conditions	рынка	i	narxlar darajasi, ularning o'zgarish tendensiyalari.
World Market Workers Labor	Мировые рынок рабочие труда	Jahon ishchi kuchi bozori	- milliy xo'jalik tizimlari va jahon iqtisodiyoti doirasida ishlab chiqaruvchi kuchlarning darajasi, tabiati va joylashuviga sezilarli ta'sir etuvchi iqtisodiy faol aholining mamlakatlar va hududlar o'rtasida jami migrastion aylanmasi.
The World Trade Organization	Всемирная торговая организация	Butunjahon savdo tashkiloti	- xalqaro savdoni institustional va xuquqiy asosini tashkil etuvchi mustaqil davlatlararo tashkiloTayvan
cartel	картель	Kartel	- tashqi savdo assostiastiyasi (uning a'zolari alohida tovar guruhlari bo'yicha ishlab chiqarish va narx siyosatini muvofiqlashtirib olishadi).
Group of twenty	Большая двадцатка	Katta yigirmatalik	- 20 ta yirik mamlakatlar guruhi bo'lib, unga jahondagi eng boy mamlakatlar va yirik rivojlanayotgan davlatlar kiradi va ular xissasiga jahon yalpi ichki mahsulotining 90 foiz ulushi to'g'ri keladi.
Conjuncture	Конъюнктура	Kon'yunktura	- bozor mexanizmi sharoitlarida rivojlanishning qonuniyatli shakllari davlat tomonidan tartibga solinishi va raqobatning, iste'molchilar, korporatsiyalar hamda davlat muassasalari va korxonalari tomonidan qaror qabul qilishdagi mutaqqillikning muvozanati bilan belgilanuvchi jarayonlar: muayyan iqtisodiy faoliyat omillari va shart-

			sharoitlari yig'indisi.
Concern	Концерн	Kontsern	– ma'lum bir turdagi vazifalarni bajarish uchun vaqtincha tuzilgan ilmiy-texnikaviy, investitsion tarkibiy, moliyaviy va tashqi iqtisodiy siyosatni hamda tegishli resurslarni markazlashtiruvchi korxonalar birlashmasi.
Cooperative ties	Кооперативные связи	Кооператсия aloqalari	– turli soha ishlab chiqarish tarmoqlarida ma'lum mahsulotni tayyorlash bo'yicha uzoq muddatli aloqalarni o'rnatish.
Corporation	Корпорация	Korporatsiya	– hissadorlik jamiyati yoki hissadorlik birlashmasi ko'rinishidagi huquqiy shaxs shakli. U chiqarilgan aktsiyalar qiymati bilan cheklangan majburiyatlar bo'yicha mas'uliyatli bo'ladi, o'z nomidan tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlarni bajarish, kontraktlar tuzish, qarz olish yoki berish, boshqa har qanday fuqarolik harakatlarini amalga oshirish huquqiga ega.
The credit	Кредит	Kredit	– qarz mablag'ining harakat shakli. Qaytarish va to'lov (foizni to'lash) shartlari bilan beriladigan pul yoki tovar shaklidagi qarz kredit beruvchi bilan qarz oluvchining iqtisodiy munosabatlarini ifodalaydi. Kreditning tijorat, davlat, bank, iste'mol, xalqaro shakllari mavjud.

labor market	рынок труда	Mehnat bozori	-mehnatga qobiliyatli aholining ish bilan band bo'lgan va band bo'lmagan qismlari va ish beruvchilar o'rtasidagi munosabatlarni hamda ularning shaxsiy manfaatlarini hisobga oluvchi shartnomalar asosida ishchi kuchi xarid qilish - sotishni amalga oshiruvchi, shuningdek, unga bo'lgan talab va taklif o'rtasidagi nisbatlarni bevosita tartibga soluvchi, bozor iqtisodiyotining murakkab, ko'p aspektli, o'suvchi va ochiq ijtimoiy-iqtisodiy tizimchasidir.
modernization	модернизация	Modernizatsiya	-ob'ektni takomillashtirish, yaxshilash, yangilash, uni yangi talab va me'yorlarga, texnik shart-sharoitlarga, sifat ko'rsatkichlariga moslashtirish.
The financial market	Финансовый рынок	Moliya bozori	– moliya mablag'larini vaqtincha haq to'lab ishlatish yoki ularni sotib olish yuzasidan bo'lgan munosabatlardir.
Financial and banking system	Финансовая и банковская система	Moliya-bank tizimi	-tarixan shakllangan va belgilangan qonun qoidalar asosida faoliyati yurituvchi mamlakatdagi moliya–kredit muassasalari majmuidir.
preferences	Предпочтения	Preferensiya	– iqtisodiyotni maqsadga muvofiq rivojlantirish va tartibga solishda ayrim soha va tarmoqlar, korxonalar va ishlab chiqarish turlariga nisbatan beriluvchi imtiyoz, afzallik va ustuvorliklar.
protectionism	протекционизм	Proteksionizm	– davlatning xorij raqobatidan ichki bozorni himoya qilish siyosati, mamlakatga olib kelinayotgan tovarlarga yuqori bojlar belgilaydi, ayrim

			tovarlarni olib kelish cheklanadi yoki umuman taqiqlanadi.
Monetary and Credit Policy	Денежно-кредитная политика	Pul - kredit siyosati	– davlat tomonidan iqtisodiy o'sishni ta'minlash maqsadida pul muomalasini tashkil etish va barqarorligini ta'minlash uchun amalga oshiriladigan barcha chora-tadbirlar majmui.
external debt	внешний долг	Tashqi qarz	– mamlakat hukumati, moliya-kredit tashkilotlari, yirik korxonalarining boshqa mamlakatlar moliya-kredit muassasalaridan qarzga olgan moliyaviy mablag'larining jami hajmi.
Foreign trade	внешнеторговый	Tashqi savdo	– bir mamlakatning boshqa mamlakatlar bilan savdosi.
Foreign Trade Policy	Политика внешней торговли	Tashqi savdo siyosati	– bir mamlakatni boshqa mamlakatlar bilan olib borayotgan savdosi (eksporti va importi) borasidagi siyosati.
Technology	Технология	Texnologiya	– tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish to'g'risidagi amaliy bilimlar.
Direct investments	Прямые инвестиции	To'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar	- foyda olish bilan birgalikda kapital ko'yilayotgan ob'ekt ustidan nazoratni ta'minlash xuquqini beruvchi kapital qo'yilmalari.
balance of payment	Платежный баланс	To'lov balansi	-muayyan muddat davomida mamlakatning xorijiy davlatlarga to'lagan va xuddi shu davr mobaynida mamlakatga xorijiy davlatlardan tushgan to'lovlar summolari nisbatini tavsiflaydi. To'lov turkumiga tashqi qarz, uning foizi, chetdan olingan tovarlar va

			xizmatlar haqi, xorijiy investitsiyalar, xorijda diplomatik ishlarni, iqtisodiy aloqalarni yuritish xarajatlari, fuqarolar va qo'shma korxonalarining chet elga pul o'tkazmalari va boshqalar kiradi.
The total market	общий рынок	Umumiy bozor	- ishlab chiqarish omillarini milliy chegaralar orqali erkin ko'chib o'tishi ta'minlanadigan iqtisodiy integratsiya ko'rinishi.
currency	валюта	Valyuta	- ma'lum bir davlatning qonun bilan o'rnatilgan pul vositasi (milliy valyuta), bir yoki bir necha etakchi mamlakatlarning valyutasi ko'rinishidagi jahon rezerv pullari
International cooperation	международное сотрудничество	Xalqaro kooperatsiyasi	- ishlab chiqarish bosqichlarining o'zaro bir-birini to'ldirishi va ularni muvofiqlashtirish maqsadida milliy iqtisodiy komplekslarning xamkorlik qilishi.
International Economic Relations	Международные экономические отношения	Xalqaro iqtisodiy munosabatlar	-mamlakatlar va hududlar o'rtasidagi, xalqaro tashkilotlar va korporatsiyalar ishtirokidagi xo'jalik aloqalari tizimi.
		Xalqaro ishlab chiqarishning ixtisoslashuvi	-mamlakatlar o'rtasidagi mexnat taqsimoti ko'rinishi bo'lib, unda o'zlarining ichki extiyojlaridan ortiqcha bir turdagi maxsulotlar tayyorlash bilan shugullanuvchi milliy ishlab chiqarishlarning tabaqalanishi yuz beradi.
international	международное	Xalqaro	-ularning har biri xalqaro

organizations	ые организации	tashkilotlar	siyosatda o'zlarining faoliyat maqsadlari yo'nalishlariga qarab, yer yuzi taraqqiyotida egallab turgan mavqelariga qarab, umuman xalqaro siyosiy-amaliy munosabatlar jarayonida harakatlarga kirishadigan boshqa xalqaro tashkilotlar tizimidagi maqomlariga qarab ahamiyat kasb etadilar.
international transit	международный транзит	Xalqaro tranzit	-xorijiy yuklarni jo'natish va qabul qilib olish punktlari berilgan mamlakat hududidan tashqarida bo'lishi shartida tashilishidir. Agar tovarlar bojxona omboriga joylashtirilmasdan tashilsa bevosita xalqaro tranzit, bojxona omboridan foydalanilsa – bilvosita xalqaro tranzit hisoblanadi.
International Monetary Fund (IMF)	Международный валютный фонд (МВФ)	Xalqaro valyuta jamg'armasi	– xalqaro savdo va valyuta hamkorligini rivojlantirishga ta'sir ko'rsatish maqsadida 1944 yilda tashkil etilgan xalqaro valyuta-moliya tashkiloti. Xalqaro valyuta jamg'aramasi – a'zo davlatlar o'rtasida valyuta-kredit munosabatlarini tartibga solib turish va ularga to'lov balansining kamomadi bilan bog'liq valyutaviy qiyinchiliklar paytida chet el valyutasida qisqa va uzoq muddatli kreditlar berish yo'li bilan moliyaviy yordam ko'rsatish uchun mo'ljallangan hukumatlararo tashkiloTayvan
Service	сектор услуг	Xizmat ko'rsatish	– ijtimoiy ishlab chiqarishning moddiy-buyumlashgan

sector		sohasi	ko'rinishga ega bo'lmagan iste'mol qiymatlarini yaratishga yo'naltirilgan sohalari. U o'z ichiga moddiy xizmatlar ko'rsatish (transport, aloqa, savdo, maishiy xizmat va boshqalar) hamda nomoddiy xizmatlar ko'rsatish (huquqiy maslahatlar berish, o'qitish, malaka oshirish va boshqalar)ni oladi.
Gross domestic product	Валовой внутренний продукт	Yalpi ichki mahsulot	-mamlakatda bir yil davomida ishlab chiqarilgan jami pirovard mahsulot va xizmatlarning bozor qiymati
New industrial countries	Новые индустриальные страны	Yangi industrial mamlakatlar	- iqtisodiy jixatdan eng tez rivojlanayotgan Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasidagi davlatlar guruhi.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008 - 176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистан мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: “Ўзбекистан”, 2011 .-440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2015.-302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистан давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳдил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий

жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: “Ўзбекистон”. - 2017 - 1026.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 488 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909- сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Me Connell, Brue. Economics. 17th edition. Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2014.

2. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.

3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.

4. Бондарев А.К. Международные экономические отношения: Учебник/ А.И.Евдокимов, А.К.Бондарев, С.М.Дроздов;Под ред.А.И.Евдокимов.- М.:Проспект 2013, 656 с.

5. Пономарева Е.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебное пособие/Е.С.Пономарева, Л.А.Кривенцова. - М.: ЮНИТИ, 2013. - 287 с

6. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.

7. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.

8. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

9. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.

10. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.

11. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

12. Мороз И.И. Мировая экономика и международные экономические отношения (для бакалавров) / И.И.Мороз.-М.: КноРус, 2013. 256 с.

13. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 14 б.

14. Международные валютно–кредитные отношения: Учебник для вузов /Под ред.Л.Н.Красавиной. –4–е изд., перераб. и доп. –М.: Издательство Юрайт, 2014. –543с.

15. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan, 2013. 537p.

16. G.G.Nazarova, Z.M.Iminov, X.X.Xalilov, O.V.Namidov. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. Darslik. –TAYVAN: TDIU, 2011.

17. Экономика стран ближнего зарубежья: Учеб.пособие / Мос. Гос. и-т междунар. отношений (ун-т) МИД России; Под ред. А.С.Булатова - М.: Магистр: ИНФРА-М, 2011. - 352 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>

18. Захарова Н. В. Страны Европы: Справ. пособие / Н.В. Захарова. - М.: Магистр: ИНФРА-М, 2010. - 270 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>

19. Авдокушин Е. Ф. Страны БРИКС в современной мировой экономике / Е.Ф. Авдокушин, М.В. Жариков. - М.: Магистр: НИЦ Инфра-М, 2013. - 480 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>

20. Зарицкий Б. Е. Экономика ФРГ: Учеб. пособие / Б.Е. Зарицкий. - М.: Магистр, 2010. - 351 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>

21. Раджабова З.К. Мировая экономика: Учебник / З.К. Раджабова. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2010. - 304 с.- ЭБС : <http://znanium.com/>

Кудров В. М. Мировая экономика: Учеб. пособие / В.М. Кудров. - М.: Магистр: НИЦ ИНФРА-М, 2013. - 416 с.- ЭБС: <http://znanium.com/>

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz — Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.uza.uz — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги
4. www.ifmr.uz - Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
5. www.ziyounet.uz - Ziyounet таълим портали
6. www.economics.ru — “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти